БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 213 (11.962) | Якшанба, 10 сентябрь 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

КАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

МОСКВА, 8 сентябрь. (ТАСС). Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Жавоҳарлал Неру шарафига бугун Катта Кремль саройида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Бош Министр Ж. Неру, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Ю. И. Палецкис, Т. Кулатов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари А. А. Андреев, С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, Совет Иттифоқи Маршаллари, РСФСР министрлари, Совет — Ҳиндистон маданий алоқалар жамиятининг президенти Н. В. Цицин, марказий бошқармалар ва муассасаларнинг раҳбарлари, қўшин турларининг маршаллари, Совет Армияси ва СССР Ҳарбий Денгиз Флотининг генераллари, адмираллари ва офицерлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, дин вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида Н. С. Хрушчев ва Жавоҳарлал Неру дўстона қадаҳ кўтардилар. Ҳиндистон ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Қабул маросимининг қатнашчилари учун катта концерт қўйиб берилди.

УМУМИЙ ТИНЧЛИКНИ КЎЗЛАБ

СОВЕТ-ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

8 сентябрда Катта Кремль саройида москваликларнинг Ҳиндистондан келган ҳурматли меҳмон — Бош Министр Жавоҳарлал Неру билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, П. Н. Поспелов ўртоқлар президиумга чиққанларида залда гулдурос, давомли қарсаклар янграйди.

Совет Иттифоқи халқлари билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстликка бағишланган митингни меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. А. Дигай очади. У, Бош Министр Жавоҳарлал Неруни саминият билан қутлаб, бундай дейди:

— Сизни, жаноб Неру, халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун толмас курашчини Ватанимиз пойтахти Москва яна кўришдан биз астойдил хурсандмиз.

Ўртоқ Дигай таъкидладики, Ҳиндистон ҳукумати бошлиғининг СССРга қилган ушбу визити Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ишига қўшилган янги ҳисса бўлиб, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Совет-Ҳиндистон маданий алоқалар жамиятининг президенти академик Н. В. Цицин сўзга чиқади. У, совет кишиларининг меҳнатсевар ва истеъдодли ҳинд халқига нисбатан меҳр-муҳаббат, дўстлик туйғулари тўғрисида, янги, мустақил Ҳиндистон Республикасининг бунёдга келтирилаётганлиги ҳақида гапиради. Мана шу олижаноб ишда, деб уқтиради академик Цицин, Ҳиндистон Совет Иттифоқи томонидан ҳамиша самимий ҳайрихоҳлик, ҳамжиҳатлик ва бегараз ёрдам олиб турибди. Совет кишилари Ҳиндистон Республикасининг позициясидан гоят мамнун бўлмоқдалар. Ҳиндистон Республикаси тинч-тотув яшаш позицияларида маҳкам турибди, СССРнинг бутун дунёда тинчликдан иборат улуғ ишни қарор топтиришга, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга, империализмнинг шармандали мустамлакачилик системасини ва унинг барча кўринишларини батамом тугатишга қаратилган энг муҳим халқаро масалалардаги таклифларини қўллаб-қувватламоқда.

Академик Цицин дўстона ҳинд халқига мамлакат экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда, тинчликнинг улуғ ишини мустаҳкамлашда янги муваффақиятлар тилади.

Киров номли «Динамо» заводининг фрезерчиси, коммунистик меҳнат зарбдори К. Ф. Лизаков ҳурматли меҳмонни пойтахт меҳнаткашлари номидан самимий табриклади.

Москва университетининг студенти Лидия Скопцова совет йигитлари ва қизлари номидан сўзлади.

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру минбарга чиққанида, ҳозир бўлганлар ниҳоятда самимий қарсаклар билан қутиб олдилар.

Ж. НЕРУ нутқи

Раис жаноблари!

Бош Министр Хрушчев жаноблари!

Азиз дўстлар!

Сизлардан, бу ерда дўстлик ва табрик сўзларини айтган кишиларнинг ҳаммасидан мен гоят миннатдорман.

Дарҳақиқат, икки кун бурун Москвага келган пайтимдан бошлаб муҳтарам Совет ҳукумати бошлиғининг, Совет ҳукумати бошқа раҳбар арбобларининг ва улуғ пойтахт аҳолисининг илтифоти ва дўстлик меҳридан далолат берувчи туйғуларни ҳамиша кўриб турибман.

Совет Иттифоқига келиш мени ҳамиша мамнун қилади. Бу нарса менга янги жамият қуришда олга қараб қилинаётган ҳаракатни ва илм-фаннинг тараққиётини шахсан кузатиш имконини беради. Бизни бу ерда қуршаб олган дўстлик муҳити мени қувонтиради.

Мен бу ерга олти йил муқаддам келган эдим. Ўша пайтдан буён Совет Иттифоқи сезиларли даражада олга силжиди. У космик парвозларни амалга оширишдан иборат янги соҳада ажойиб муваффақиятларни қўлга киритди.

Мана шу тўзал Москва шаҳрида ҳам жуда катта ўзгаришлар бўлганини кўриб турибман. Кўплаб янги уйлар қурилиб, шаҳар ўсиб кетибди. Шаҳар аввалгидан ҳам гўзалроқ ва кўзни қувонтирадиганроқ бўлиб қолибди.

Ўтган йиллар мобайнида Ҳиндистон-Совет алоқалари ва ҳамкорлиги анча ривожланди, савдосотиқ ишларимиз жуда кенгайди ва маданий алоқаларимиз юксалди. Ўқиш ва техникани ўрганиш учун бу ерга юзлаб ҳинд студентлари келмоқда. СССРнинг ёрдами билан Ҳиндистонда катта-катта заводлар қурилди ва қурилмоқда. Биз учун ниҳоятда муҳим бўлган ана шу ишда юзлаб совет инженерлари ва техниклари биз ҳиндистонликларга ёрдам кўрсатдилар.

Биз фаолиятимизнинг кўпгина муҳим тармоқларида совет олимлари ва инженерлари билан бўлган ҳамкорлигимизни алоҳида табриклаймиз. Бизга кўрсатган ва кўрсатаётган ёрдамлари учун Совет Иттифоқи ҳукуматидан гоят миннатдорман. **(Қарсаклар).**

Биз янги Ҳиндистонни қуриш, халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, халқимиз учун муносиб турмушни вужудга келтириш билан машғулмиз. Шу мақсадда биз иккинчи беш йиллик планимизни яқиндагина тугалладик ва учинчи беш йиллик устида иш бошлаб юбормоқдамиз. Биз шу беш йилликнинг охиригача саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор қўямиз, деб умид қиламиз.

Гарчи мен, табиий равишда, ўз мамлакатимнинг проблемалари билан банд бўлсам-да, иқрор бўлиб шуни айтишим керакки, бугунги кунда халқаро аҳвол менинг ақлимни ва қалбимни ташвишга солиб турибди. Халқаро аҳвол кейинги ойларда шу қадар ёмонлашиб қолдики, ҳатто уруш чиқиб кетмасмикин, деган қўрқув пайдо бўлди.

Уруш ҳамиша оғир бўлади. Лекин даҳшатли ядро қуроли мавжуд бўлган бизнинг замонамизда уруш ҳақида ўйлаш ҳам қўрқинчлидир. Жаҳондаги барча раҳбарлар тинчлик асосий зарурат эканлигини уқтириб ва гапириб келдилар. Тинчликнинг муҳимлиги Совет Иттифоқида бошқа ҳар қандай мамлакатдагига қараганда кўпроқ таъкидлаб гапирилмоқда, дейиш мумкин. **(Кучли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи урушнинг даҳшатли хатарига умрбод барҳам бериш мақсадида самарали халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун ҳам курашиб келмоқда.

Биз ҳиндистонликлар тинчликка айниқса содиқмиз. Бизнинг улуғ йўлбошчимиз Махатма Ганди узоқ йиллар мобайнида бизга насиҳат бериб келди. Махатма Ганди ҳатто бизнинг инглиз империализмига қарши олиб борган курашимизда ҳам тинч йўл билан бориш ҳақида таълим берди ва у, бизни озодликка тинч воситалар билан эриштирди.

Бизнинг Ҳиндистонда камчиликлар кўп ва биз ўзимизни ҳеч қайси бир жиҳатдан бошқа халқларга нисбатан яхшимиз, деб ҳисобламаймиз. Лекин биз ҳамиша тинчликни ёқлаб келдик. Дарҳақиқат, ташвишлар абгор қилган дунёмиз бошига уруш тушадиган бўлса, янги Ҳиндистоннинг келажаги ҳақидаги орзуларимиз куйпая-куй бўлади. Шу нарсаларнинг ҳаммасини назарга олганда, ҳозирги халқаро аҳвол бизни жуда ҳам чуқур ташвишга солмоқда. Уруш билан тинчликнинг калити бизнинг қўлимизда эмаслигини, ана шу мудҳиш аҳволни ўзгартириш йўлида биз кўп иш қила олмаслигимизни тушунаётганимиз. Аммо тинчлик йўлида қўлимиздан келадиган ўша озгина ишни ҳам амалга ошириш иштиёқи билан тўлиб-тошганмиз. **(Қарсаклар).**

Шу сабабли, биз уруш билан тинчликнинг калитини ўз қўлларида ушлаб турган буюк давлатларни урушнинг мудҳиш хатарига барҳам беришга ва бутун дунёни тинчликка олиб боришга даъват этмоқдамиз. Совет Иттифоқи ана шу буюк давлатлар орасида бугунги кунда жуда катта ўрин тутади.

Мен Москвага Белграддан келдим. У ерда 25 та қўшилмаган мамлакатнинг конференцияси бўлиб ўтди. Ана шу кенгаш қатнашчиларининг якдиллик билан қилган илтимосига биноан, Ғана президенти билан мен Раис Хрушчевга мактуб олиб келдик. Хатарли халқаро аҳволдан ниҳоятда ташвиш тортаётганлигимиз бу мактубда ифода қилинган. АҚШ президенти Кеннедига ҳам худди шу руҳдаги мактуб юборилди.

Бу мактубда кенгашимиз қатнашчилари ана шу икки буюк давлат ўртасида тезда музокаралар олиб борилишини ва хусусан ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларини ҳал қилиш учун ёки, ҳеч бўлмаганда, халқаро кескинликни камайтириш ҳамда самарали музокаралар олиб бориш вазиятини вужудга келтириш учун музокараларга киришишга чақирадилар.

Бу — бир неча қитъадаги 25 мамлакат раҳбарларининг мактубидир ва бу мактуб бутун дунёдаги неча юз миллионлаб кишиларнинг эзгу фикр-ўйларини ифода этади, деб ҳисоблайман. Ана шу мактубда улар бугунги кунда бизнинг олдимизда турган айрим халқаро проблемаларга нисбатан ўз қарашларини ифода этганлари йўқ. Улар бу проблемаларни келишув йўли билан ҳал этиш учун мумкин бўлган барча чоралар кўрилмоғи керак, деб ҳисобламоқдалар. Улар аминдирларки, фақат музокараларгина самарали натижаларга олиб келиши мумкин. Бизнинг назаримизда, ана шу жиддий проблемаларни ҳал қилишнинг музокаралар йўлидан бўлак йўли йўқ.

Ҳозирги кескинлик юмшатилиши ва бугунги кунда инсониятга даҳшат солаётган уруш хатари тугатилиши биланоқ батамом қуролсизланиш проблемаси сингари жуда муҳим проблемаларни қараб чиқишга йўл очилади. Аминманки, агарда биз батамом қуролсизланишга интилмайдиган ва унга эришмайдиган бўлсак, бутун дунёда тинчлик ҳам бўлмайди. Ҳамма жойда қўрқув кишиларнинг бошини гангитиб қўяди, қўрқув эса кишини ёмон йўлларга бошлайди. У, душманликка, куч ишлатишга ва вайронагарчиликка олиб боради.

Фан тараққиёти бизга конфликтлардан ва душманликдан, куч ишлатишдан холи бўлган дунёни — бугунги кундан у қадар узоқ бўлмаган янги дунёни вужудга келтириш имконини бераётган. фан тараққиёти ҳаммага фароғат олиб келаётган бир пайтда, инсоният кўз олдида намоён бўлган имкониятдан фойдаланмай, вайронагарчилик методларини ишга солиб борса, бу — жуда катта фожиа бўлур эди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда охирги имконият намоён бўлмоқда. Нотўғри қўйилган битта қадам инсониятнинг ҳар қандай келажагини ер билан яксон қилиб ташлаши мумкин. Биз тинчлик истаймиз ва тинчликка фақат тинч йўллар билангина эришиш мумкин, акс ҳолда биз қўрқинч, душманлик ва реванш муҳитида яшай берамиз.

Модомики шундай экан, у ҳолда мавжуд барча тинч методлардан ҳам миллий, ҳам халқаро проблемаларни ҳал этиш учун фойдаланмоқ керак.

Атоқли олимлар, билимдон кишилар ҳозирги кунда уруш бирор мамлакат ёки бирор партиянинг галабасига олиб келиши мумкин эмас, уруш умумий маглубиятга ва ҳатто инсониятнинг бутунлай кирилиб кетишига олиб келиши мумкин, деб бизга айтмоқдалар. Модомики шундай экан миллий проблемаларни ҳам, халқаро проблемаларни ҳам ҳал этмоқ учун мавжуд ҳамма тинч методлардан фойдаланишга тўғри келади.

Халқимизнинг улуғ устози, бундан 2500 йил муқаддам яшаган Будда кунлардан бир куни шундай деган эди: ҳеч ким маглубиятга учрамайдиган ва муваффақиятни барча баравар баҳам кўрадиган галаба — энг улуғ галабадир.

Бундай галабага конфликтлар орқали, катта миқёсда вайронагарчилик келтириш орқали эришиб бўлмайди. Шу сабабли, мен проблемаларимизни ҳал қилишда тинч методларни қўлланишга ва музокаралар олиб боришга чақирмоқдаман. Ҳар қайси мамлакатлари юз миллионлаб кишилар кўп йиллардан буён тинчликка даъват этиб келмоқдалар ва улар ана шу даъват билан мамлакатларнинг раҳбарларига мурожаат қилмоқдалар. Ана шу кишиларнинг қалбидан отилиб чиқаётган даъват амалга ошадиган бўлиши учун биз бу даъватга қулоқ солмоғимиз керак.

Миллий обрў — муҳим нарса. Лекин уруш орқали тинчлик ўрнатиш умидлари билан боғланган обрў бугунги кунда энди ақл-идроккa, мантиққа асосланган обрў эмас, зотан уруш ҳеч кимнинг обрўсини оширмайди.

Миллий хавфсизликни андиша қилиш ҳам муҳим нарса, аммо умумий вайронагарчилик хавфсизликни ошира олмайди. Ядро фанининг тараққиёти яхши умидлар олиб келди, лекин шу билан бирга, у вайронагарчилик хатарини ҳам вужудга келтирди. Жаҳон ўзи қайси йўлдан боришини танлаб олмоғи керак ва буюк раҳбарлар бизни тўғри йўлдан бошлаб бормоқлари керак.

Хиросима ва Нагасаки давридан буён ядро бомбалари бизга батамом вайронагарчилик йўлини кўрсатиб турибди. Ўша вақтдан буён вайронагарчилик методларини ривожлантиришда прогресс деб аталадиган тараққиётга эришилди, радиоактивлик туфайли эса, келажак авлодлар учун мудҳиш оқибатлар вужудга келтирилиши мумкин. Мана шу боисдан биз ўтмишда амалга оширилган ядро синовларидан камоли ташвишланганимиз туфайли бу синовларни тўхтатишга даъват этмоқдамиз. Бундай синовлар ўтказилишини қувватлаб қандай қарбий андишалар кўрсатилмасин, бари бир бу синовлар бутун инсониятга хавф-хатар солади. Миллион-миллион кишиларга дахлдор бўлган проблемалар одамгарчилик юзасидан ҳам қараб чиқилмоғи керак. Бугунги кунда одамгарчилик андишалари ҳам, шунингдек мантиқ ва ақл-идрок ҳам тинч йўл билан боришни кўрсатмоқда ва мен шу йўлдан боришга астойдил ва сидқидил чақираман, шу тарика давлатларнинг раҳбарлари ана шу йўлда фикр қиладиган ва иш юритадиган бўлсинлар.

Совет Иттифоқи тинчлик ва қуролсизланиш тарафдоридир. У янги жамиятни вужудга келтириш соҳасида жуда катта ишларни қилмоқда. Совет Иттифоқи катта-катта муваффақиятлар қўлга киритди ва келажакда у тагин ҳам зўр муваффақиятларни қўлга киритади. Яратувчилик фаолиятининг бу муваффақиятлари — ҳеч кимга зиён етказмайдиган ва миллион-миллион кишиларга бахт-саодат келтирадиган ҳақиқий галабадир.

Мен қаттиқ ишонаманки, кўп йиллардан буён тинчлик учун курашда намуна кўрсатиб келаётган Совет Иттифоқи бундан буён ҳам намуна кўрсата беради ва барча мамлакатлар учун самарали натижалар келтира беради. **(Қарсаклар).**

Меҳмондўстликлари, дўстона туйғулари, бизга нисбатан кўрсатган меҳр-муҳаббатлари учун Раис Хрушчевга ва Совет ҳукумати аъзоларига, шунингдек мана шу улуғ мамлакатнинг бутун халқига яна миннатдорчилик билдираман.

Мен Ҳиндистон халқи билан Совет Иттифоқи халқи ўртасидаги муносабатлар тагин ҳам мустаҳкам ва дўстона бўлиб бораверади, деб ишонаман. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга сўз берилганида, залда гулдурос, давомли қарсаклар янграйди.

(Давоми иккинчи бетда).

ОҚ ЙЎЛ!

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру Москвадан жўнаб кетди

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош Министри Жавоҳарлал Неру Совет пойтахтида уч кун меҳмон бўлиб турди.

Ҳурматли меҳмон 9 сентябрда Москвадан Тошкентга жўнаб кетди. Москваликлар дўстона Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби Жавоҳарлал Неруни самимий узатиб қолдилар. Пойтахтнинг Внуково аэродромига бораётган кўчалари ва майдонлари яна байрам тусини олди.

Внуково аэродроми чиройли безатилган. Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неруни узатиб қўйиш учун бу ерга Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин ўртоқлар, СССР министрлари А. А. Громико, В. П. Елютин, С. В. Курашов, М. А. Ольшанский, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. Н. Шелепин, ташқи савдо министрининг ўринбосари С. А. Борисов, СССР давлат комитетлари раисларининг ўринбосарлари И. В. Архипов, С. К. Романовский, Совет-Ҳиндистон маданий алоқа жамиятининг президенти Н. В. Цицин, Москва Совети ижроия комитетининг раиси Н. А. Дигай ва бошқа расмий кишилар келдилар.

Узатиб қолувчилар орасида СССРдаги дипломатик вакилларнинг бошликлари, Ҳиндистон элчихонасининг ходимлари совет ва чет эл мухбирлари бор эди.

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан бир машинада аэродромга келади. Улар фахрий қоровул саф-лари олдидан ўтадилар. СССР давлат арбоблари, дипломатлар билан ва Москва меҳнаткашларининг вакиллари билан кўришадилар. Оркестр Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи давлат гимнларини ижро этади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев микрофон олдига келади ва нутқ сўзлайди.

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Муҳтарам Бош Министр жаноблари!

Жаноблар! Ўртоқлар!

Жаноб Бош Министр, Совет Иттифоқига қилган визитингиз тамом бўлаётир. Афсуски, Сиз Москвада жуда оз вақт бўлдингиз ва биз Сизни кузатишга мумкин бўлган ҳамма нарсалар билан таништира олмадик. Лекин, Совет Иттифоқи пойтахтида меҳмон бўлиб турган ана шу бир неча кун ичида ҳам Сиз совет халкининг Ҳиндистон халкига бўлган энг самимий ҳисларига яна бир марта каноат ҳосил қила олдингиз, деб ўйлайман.

Давлатларнинг тинч-тотув яшаши буюк принципларга асосланган ана шу дўстлик социал-иқтисодий системалари турлича бўлган ҳамма мамлакатлар ўртасида ўрнатилиши мумкин ва лозим бўлган бегараз муносабатларнинг намунасидир.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистонни тинчлик йўлидаги доимий интилиш бир-бири билан яқинлаштиради. Бизнинг ўртамизда бўлиб ўтган ошкора фикр олишиш ҳозирги замоннинг кўп масалалари юзасидан Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ҳукуматларининг қарашлари умумий эканлигини, уларнинг ракета-ядро уруши чиқишига йўл қўймаслик учун қизғин интилаётганликларини кўрсатди. Бундай уруш инсоният учун тузатиб бўлмайдиган фалокат келтирган бўлур эди.

Сизнинг Совет Иттифоқига қилган сафарингиз натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик янада ривожланади ва халкларимизни бир-бирига яқинлаштирадиган ҳар томонлама алоқаларнинг янада кенгайишида ўз ифодасини топади, деб умид қиламан.

Сиз, жаноб Бош Министр, тез орада ўзингизнинг ажойиб мамлакатингизга қайтиб борасиз. Биз улуғ ҳинд халкига совет халкидан дўстона салом ҳамда Ҳиндистон Республикасининг ривожланишида муваффақиятлар истаб йўллаган самимий тилакларимизни топширишингизни Сиздан сўраймиз.

Сизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик ҳамда ҳинд халкининг бахт-саодати, совет-ҳинд дўстлиги йўлидаги, умумий тинчлик манфаатлари йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз!

Яшасин ва мустаҳкамлансин совет-ҳинд дўстлиги!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

Яна учрашгунча, жаноб Бош Министр!

Намастэ!

Сўнгра Жавоҳарлал Неру нутқ сўзлайди.

Ж. НЕРУ нутқи

Муҳтарам Бош Министр жаноблари!

Жаноблар!

Совет Иттифоқига қилган визитим тугаётир. Мен жўнаб кетяпман, ўз мамлакатимга қайтиб бораман. Мен Сизнинг мамлакатингиздан катта дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларини ўзим билан олиб кетаман.

Мен биламанки, Совет Иттифоқида менга кўрсатилган қизғин ва самимий меҳмондўстлик менга нисбатангина эмас, балки шу билан бирга бутун ҳинд халкига нисбатан катта дўстлик ва меҳр-муҳаббат туйғуларининг ифодасидир.

Сиз билан алоқаларимиз бундан буён ҳам давом эттирилади, деб умид қиламан. Шунингдек, биз бундан буён ҳам учрашиб турамиз, деб ўйлайман.

Ҳозирги халқаро аҳволга доир баъзи масалалар юзасидан Москвада бўлиб ўтган фикр олишиш, сўзсиз, катта аҳамиятга эга бўлади ва менинг учун фойдали бўлганидек, баъзи масалаларни ҳал этишда ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Сиз бизнинг мамлакатимизга келасиз, деб умид қиламан ва бизнинг мамлакатимизда бўлган вақтингизда Сизга ҳам самимий ва қизғин меҳмондўстлик кўрсатилажагини биласиз.

Сизга яна бир марта ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

* * *

Ҳиндистон Бош Министри, ҳиндистонлик бошқа меҳмонлар зинапоядан самолётга чиқадилар.

Орадан бир неча минут ўтганда «ТУ-104» қанотли гигант парвоз қилади ва Тошкентга томон йўл олади.

Оқ йўл!

* * *

Ж. Неру билан бирга Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Р. К. Неру, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси С. Датт, Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири, вакил В. Х. Коэльхо ҳамда Бош Министрга ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар ҳам Москвадан жўнаб кетдилар.

* * *

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Нерунинг Тошкентга қиладиган сафарида СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, Совет Иттифоқининг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари унга ҳамроҳ бўлмоқдалар. (ТАСС).

Совет-Ҳиндистон дўстлиги мустаҳкам ва бузилмасдир

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал НЕРУ Тошкентга келди

СССР ва Ҳиндистон халкларининг дўстлиги мустаҳкам ва бузилмаслиги, Давр синовидан ўтган бу дўстликнинг баракали самаралари ўзаро манфаатли ҳамкорлик муттасил ривожланаётганида, иккала мамлакат ўртасидаги ҳар тарафлама иқтисодий ва маданий алоқалар бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб ривожлантирилаётганлигида яққол ифодасини топмоқда. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикаси давлат, сиёсий ва жамоат арбобларининг ўзаро учрашувлари ва суҳбатлари традицион ҳинд-совет дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неруни СССР меҳнаткашлари азиз ва ҳурматли меҳмон сифатида кутиб олмоқдалар. Совет кишилари Ҳиндистон ҳукумати бошлиғининг тимсолида мустамлакачилик кишанларини улоқтириб ташлаган ҳамда мустақиллик ва озодлик йўлидан бораётган кўп миллионли халкни кутламоқдалар.

Бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари, шу жумладан Ўзбекистон аҳолиси 8 сентябрда Москвада бўлиб ўтган Совет-Ҳиндистон дўстлиги митингини радио орқали зўр эътибор билан тингладилар. Бу митинг икки буюк халкнинг бутун дунёда тинчлик учун курашдаги бирлиги нақадар забардаст эканлигини янада кучли суратда кўрсатиб берди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ёркин нутки барча совет кишиларининг фикрлари ва туйғуларини ифода қилди. Н. С. Хрушчев бу нутқида Совет-Ҳиндистон дўстлиги катта халқаро аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Ж. Нерунинг Ҳиндистон давлатларининг тинч-тотув яшаш принципларига содиқ бўлиб, СССРнинг энг муҳим халқаро масалалардаги таклифларини қувватлайди, деган сўзларини совет кишилари мамнуният билан қутиб олдилар.

Ўзбекистон пойтахти дўст давлат ҳукуматининг бошлиғини 9 сентябрь кечқурун самимият ва тантана билан кутиб олди. Атоқли давлат арбоби ва сиёсий арбобнинг келиши шарафига шаҳар байрам либосига бурканди. Ҳар бир совет кишисининг қалбига яқин бўлган «Хинди-руси бхай-бхай!» шиори ёзилган қизил алвонлар ҳамма ёқда товланади. Ҳинди, рус ва ўзбек тилларида: «Яшасин Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик!», «Дўст Ҳиндистоннинг Бош Министрига салом!», «Яшасин бутун дунёда тинчлик!» деган шиорлар кўчалар ва майдонларга осиб қўйилган. Уйлар тепасига осилган Ҳиндистон Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари шабада ҳилпирайди.

(Давоми учинчи бетда)

СУРАТДА: Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неруни Тошкент аэропортида кутиб олиш.

И. Глауберзон фотоси.

БОЛГАР ДЎСТЛАРГА САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

МОСКВА, 8 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Болгария Халқ Республикасининг милдий байрами — Озодлик куни муносабати билан Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Тодор Живковга, Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси Димитр Ганевга ва Министрлар Советининг Раиси Антон Юговга табрик телеграммаси юбордилар.

Телеграммада бундай деб таъкидланади: ҳар иккала мамлакат халқлари ва компартияларининг қардошларча дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами, барча халқаро масалаларда уларнинг қарашлари ва ҳаракатлари батамом бирлиги тинчлик, социализм ва коммунизм ишининг манфаатлари йўлида кундан-кунга ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Совет кишилари, дейилади сўнгра, Болгарияннинг Болқон мамлакатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ҳар тарафлама ривожлантиришга, Болқон ярим ороли районида тинчлик зонаси вужудга келтиришга қаратилган ва ҳормайтолмай сарфлаётган куч-ғайратларини юксак даражада қадрлайдилар.

Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев болгар халқига социализм қурилишида янги жуда катта муваффақиятлар тилайдилар.

* * *

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Болгария Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Карло Лукановга табрик телеграммаси юборди.

УМУМИЙ ТИНЧЛИКНИ КЎЗЛАБ

СОВЕТ-ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ МИТИНГИ

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Ҳурматли жаноб Бош Министр!
Ҳиндистонлик азиз дўстлар!
Ўртоқлар!

Ҳурматли меҳмонимиз — атоқли давлат арбоби — Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру жаноблари ва унинг ҳамроҳларини табрикламоқ учун бу ерга тўпландик. **(Давомли қарсаклар).**

Жаноб Неру бизнинг мамлакатимизга шу билан учинчи марта келди. Биринчи марта у, Совет Иттифоқига 1927 йилда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўн йиллиги байрам қилинаётган ажойиб кунларда келган эди. Ўша вақтда у ўзининг отаси — Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг ветерани Мотилал Неру билан бирга Москвада меҳмон бўлган эди. Ўша маҳалда Ҳиндистон мустамлака ҳолатида эди. Жаноб Неру бизнинг мамлакатимизга иккинчи марта 1955 йилнинг июнь ойида келди, у вақтда Ҳиндистон мустақил давлат бўлиб олган эди, жаноб Неру эса, Ҳиндистоннинг бош министри бўлиб қолган эди. **(Қарсаклар).** Ўша визит мамлакатларимиз халқлари ўртасида самимий дўстликни ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлди. Ҳиндистон Республикаси ҳукумати бошлиғининг Совет Иттифоқига ҳозирги келиши ҳам Совет-Ҳиндистон дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишида катта роль ўйнашига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. **(Кучли қарсаклар).**

Сиз, жаноб Бош Министр бу сафар бизнинг мамлакатимизга халқаро вазият анча мураккаблашган ва янги уруш хавфи очиқдан-очиқ кучайиб кетганлиги сабабли ҳамма жойда одамлар ташвиш тортаётган бир вақтда сафар қилиб келдингиз.

Бундан 16 йил муқаддам иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганида халқлар бу уруш охирги уруш бўлиб қолади деб, ҳамма мамлакатларнинг ҳукуматлари ер юзида узоқ давом қиладиган ва мустаҳкам тинчликни таъминламоқ учун амалий чоралар кўрадилар, деб умид қилган эдилар. Халқлар тинч ҳаёт кечиришни истайдилар. Улар тинч ҳаёт бўлсин деб мислсиз қурбонлар бердилар. Буни ҳеч бир халқ бизнинг халқимиздан кўра яхшироқ билмайди. Ўтган урушда биз миллионлаб кишилардан жудо бўлдик. Совет халқи янги урушнинг олдини олиш йўлида қатъий чоралар кўриш зарурлигини айниқса чуқур ҳис қилаётганлигининг сабабларидан бири мана шудир.

Моддий ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш, моддий неъматларни мўл-кўл қилиб вужудга келтириш соҳасида инсоният олдида кенг имкониятлар очилган, инсон космик фазога учишларни орзудан ҳақиқатга айлантирган, атомнинг сирларини билиб олган бизнинг замонамизда урушни давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни ҳал қилиш воситаси деб ўйлашнинг ўзи ғайри табиий ва ваҳшиёна бир фикр бўлиб қолиши лозим эди. Лекин мудхиш воқелик шундан иборатки, тез тараққий этмоқ учун зарур шарт-шароит вужудга келтирилган ҳозирги пайтнинг ўзида инсоният янги фожиали уруш ёқасига келиб қолди.

Ҳаммага маълумки, жаҳонни термоядро урушининг гирдобига ташлашга тайёр бўлиб турган энг агрессив империалистик кучлар Германия сулҳ шартномасини тузиш масаласини вазиятни кескинлаштирмоқ учун бахона қилиб олдилар. Биз, Совет Иттифоқининг бу масаладаги позициясини неча марталаб баён қилиб ўтган эдик ва шу масаланинг бутун тафсилотига яна тўхталиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Таклифларимиздан кузатилган мақсад нима? Бу мақсад равшан ва тушунарли мақсаддир: иккинчи жаҳон урушидан кейин Европанинг марказида қолган ва бурқсиб турган ўчоқни Германия сулҳ шартномасини тузиш йўли билан ўчириш, Германиянинг ҳозирги мавжуд чегараларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш, Ғарбий Германияда яна бош кўтарган милитаристлар ва реваншчиларнинг хатарли авантюралар қилиш йўлига ғов солиш керак. Агрессия қилишга интилаётганларгина, янги жаҳон урушининг енгинини довуллатмоқчи бўлганларгина сулҳ шартномасини тузишдан бош тортишлари мумкин.

Ҳар бир ақли расо киши шуни ҳам тушунадики, Германия сулҳ шартномасини тузишда реал воқеликка асосланиб, яъни иккита герман давлати мавжуд бўлиб турган объектив фактга асосланиб иш олиб бориш керак. Сулҳ шартномаси ана шу давлатлар билан тузилиши лозим. Шуни айтиб ўтмоқ керакки, ҳамма давлатлар ҳар иккала герман давлатининг реал мавжуд бўлиб турганлигини де-факто ва де-юре қайд қилмоқ учун Германия Демократик Республикаси билан ҳам, Германия Федератив Республикаси билан ҳам дипломатик муносабатлар ўрнатсалар, шунинг ўзи тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳисса бўлур эди. **(Қарсаклар).**

Иккала герман давлатини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш ва шу тарика уларни халқаро миқёсда юридик жиҳатдан таниш тинчлик ишига катта хизмат қилган бўлур эди. Ҳар иккала Герман давлатини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш Ғарбий Германиядаги реваншчи, милитарист кучларни ҳамда Ғарбий Германиянинг шу кучларни қувватлаб турган НАТО ҳарбий блокидаги иттифоқчиларини тийиб турувчи жиддий фактор бўлур эди.

Фақат Германия Федератив Республикасинигина таниганлар: Германия Демократик Республикасини биз таниганимиз йўқ ва таниши истамаймиз, уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қандай қилиб қабул қилиш мумкин, деб шовқин-сурон қилаётирлар.

Агар реал воқеликка асосланиб иш олиб бориладиган бўлса ва сиёсатда у ёки бу давлатнинг социал тузумига ҳайрихоҳ бўлишга ёки ёмон кўришга амал қилиб эмас, балки тинч-тотув яшаш принципларига ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига амал қилиб иш олиб бориладиган бўлса, у ҳолда мавжуд ҳар иккала герман давлати Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши лозим ва шундай қилиш пайти келди деган хулосага келмаслик мумкин эмас. **(Давомли қарсаклар).**

Аммо фактлар билан ҳисоблашилмаса ва тинч-тотув яшаш принциплари инкор қилина берса, у ҳолда оқибат нима бўлади? Кучларни тўплаб, низоли масалаларни уруш йўли билан ҳал қилишга тайёрлана бериш керакми? Маълумки, Даллес ўз вақтида шундай сиёсатни ўтказган эди, лекин ҳатто у ҳам бундай йўлнинг хатарли ва бемаъни эканлигини ўз умрининг охирида тушуниб олиб, бу йўлдан қайта бошлаган эди. Даллес воз кечган йўлга энди бошқалар тушиб олганлигига афсусланасан, киши. Улар жаҳондаги кучларнинг янги нисбати шароитида ўзининг бутунлай бемаънилигини кўрсатган сиёсатни қалқон қилиб кўтариб олдилар ва умри тугаган шу сиёсат билан олға бормоқчилар. Лекин Даллесни тирилтириб бўлмайди. Даллеснинг умри тугаган сиёсатини ҳам тирилтириб бўлмайди. Кимки буни ҳисобга олмаса, эски тасаввурлар билан яшай берса, у жаҳонни ҳарбий ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Шуни айтиб ўтмоқчимаки, сиёсатда реал воқеликка таяниш, фактлар ёқадими, ёки йўқми, шу фактларга дадил кўз билан қараш зарурлигини тушуниш жаҳонда тобора кенг ёйилмоқда. Ҳозирги вақтда мустақил давлатлар бўлиб қолган иккита Германия борлиғини назарда тутиб иш олиб бориш кераклигини, дўқлар қилиш, ҳарбий тадбирлар тўғрисида ўйлаш йўли билан, урушга тайёрланиш йўли билан Германия проблемасини ҳал қилиб бўлмаслигини эътироф қилаётган кўп давлатларнинг раҳбарлари Германия масаласида мана шу реалистик позицияда турибдилар.

Бироқ, шу нарсани кўрмаслик мумкин эмаски, Ғарб давлатларининг раҳбар доиралари Германия проблемасини ақл-идрок позициясига таяниб туриб бартараф қилишни ҳали ҳам истамаётирлар. Ғарб давлатлари бизнинг Германия сулҳ шартномасини тузиш тўғрисидаги таклифларимизга жавобан ҳарбий тайёргарликларни кучайтирмоқдалар ва тўғридан-тўғри дўқлар қилмоқдалар. Лекин бу билан нимага эришиш мумкин? Бизнинг халкимиз дўқлардан қўрқмаслигини, ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба бермоқ учун кучимиз етарли эканлигини ғарбдагилар яхши биладилар-ку. **(Кучли қарсаклар).** Германия сулҳ шартномасини тузиш проблемасини келишилган асосда ҳал этишни таклиф қилаётганлигимизни ҳам ғарбдагилар яхши биладилар, аммо АҚШ да, Ғарбий Германияда ва бошқа баъзи мамлакатларда бўлаётганидек, ҳарбий васваса авж олдирилаётган шароитда бундай асосни ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Дуруст, ҳозирги вақтда Ғарбда музокаралар олиб бориш лозим ва ҳатто зарур деган гапларни кўп айтмоқдалар. АҚШ президенти Ж. Кеннеди ҳам 30 августдаги матбуот конференциясида мана шу руҳда гапирди. Агар бу гаплар Ғарб давлатларининг ҳақиқий ниятларини акс эттираётган бўлса, улар амалий музокаралар олиб боришга тайёр бўлсалар, буни Совет ҳукумати табриклайди. **(Қарсаклар).**

Биз жиддий амалий музокаралар олиб боришни талаб қилаётирмиз. Шу музокаралар натижасида Германия сулҳ шартномаси гитлерчиларга қарши коалицияда аъзо бўлган ҳамма давлатларнинг иштироки билан имзоланиши керак. Лекин Германия проблемасини тинч йўл билан бартараф қилишни бениҳоя орқага сура бериш мумкин эмас. Агар кимки музокаралар тўғрисида гап сота бериш билан вақтни чўзмоқчи бўлса, жамоатчиликни алдамоқчи бўлса, шу нарсани яна бир марта очиқ-ойдин қилиб айтмоқчиманки, улар бу ниятларига эриша олмайдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Агар Ғарб давлатлари Германия сулҳ шартномасини биз билан биргаликда имзоламасалар, бунга биз афсусланамиз. Бундай ҳолда шартнома Германия Демократик Республикаси ва шу шартномани тузишни истаган давлатлар ўртасида имзоланади. Германия проблемасини тинч йўл билан ҳал қилишни ортиқ орқага чўза бериш мумкин эмас, халқлар бизнинг буни яна кейинга сура беришимизни асло кечирмайдилар. **(Давомли қарсаклар).**

Германия сулҳ шартномаси имзоланиши билан Ғарбий Берлин масаласи ҳам ҳал қилинади. Ғарбий Берлин демилитаризация қилинган эркин шаҳар статусини олади, унинг аҳолиси эса ўзи истаган иқтисодий ва сиёсий тартиблар шароитида яшаш имкониятига тўла равишда эга бўлиб қолади. Ғарбий Берлиннинг ички ишларига аралашишга ҳеч кимнинг ҳақи бўлмайди. Ғарбий Берлин Германия Демократик Республикасининг қоқ марказидаги шаҳардир. Германия Демократик Республикаси ҳукумати ҳам Ғарбий Берлинга қасд қилиш, унинг ички ишларига аралашиш ниятида эмаслигини неча марталаб уқтириб ўтди.

Ўз-ўзидан равшандирки, Ғарбий Берлин ҳеч қандай блокада қилинмайди. Унинг ҳамма мамлакатлар ва халқлар билан алоқада бўлиш эркинлиги таъминланади, лекин бунинг учун бундай ҳолда бўладиган одатдаги қоидаларга риоя қилиш—Ғарбий Берлиннинг алоқа йўллари Германия Демократик Республикасининг территориясидан ўтганлиги сабабли, Германия Демократик Республикасининг ҳукумати билан битим тузиш шарт.

Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Ғарбий Берлиндаги шароитни нормаллаштириш мақсадида иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатмоқ учун яхши ниятлар билан киритган тинчликсевар таклифларимизни империалистик доиралар тушуниш у ёқда турсин, ҳатто бу таклифларни ғазабланиб кутиб олганликларига жуда афсусланамиз. Улар қуролли кучларни зўр бериб оширишга, қуролланиш учун маблағлар ажратишни кўпайтиришга киришдилар, ҳарбий характердаги бир қанча тадбирларни кўрдилар, бутун дунёда мисли йўқ кескинлик вужудга келтирдилар. Ҳарбий тайёргарликлар айниқса Америка Қўшма Штатларида, унинг кетидан эса Германия Федератив Республикасида, Англияда, Францияда жўда кенгайиб кетди. Агрессив НАТО блокига аъзо бўлган бошқа мамлакатларни ҳам шундай қилишга мажбур этмоқдалар.

Вужудга келган бу шароитни ҳисобга олиб, биз мамлакатимиз хавфсизлигининг ва бутун социалистик лагерь хавфсизлигининг манфаатларини назарга олмаслигимиз мумкин эмас эди, албатта. Совет ҳукумати кейинги вақтларда СССРнинг мудофаа харажатларини кўпайтиришга, ўзларининг ҳақиқий хизмат муддатларини ўтаган, яхши ўргатилган совет жангчиларини Қуролли Кучлар составида вақтичча сақлаб қолишга мажбур бўлди. Совет Иттифоқи шаънига тўғридан-тўғри таҳдидар қилинаётганлиги сабабли биз ядро қуролининг экспериментал портлатишларини ўтказишдан бошқа иложимиз қолмади.

АҚШ ва Англия ҳукуматлари ҳозир ўзларини ядро синовларини ўтказишга ғўё жуда ҳам қарши қилиб кўрсатмоқдалар. Улар ҳатто ядро қуроли синовларини атмосферада ўтказиш одамларнинг сиҳат-саломатлигига зарар етказади деб, ёки синовлар атмосферада ўтказилмасин, деган таклифни кўтариб чиқдилар. Аммо улар бу таклиф қабул қилинмаслиги у ёқда турсин, ҳатто жиддий муҳокама қилинишга ҳам арзимайдиган таклиф эканлигини билиб туриб, шундай таклиф қилдилар. Уларнинг бу таклифи жамоатчиликни алдамоқ учун фақат пропаганда пайранги бўлди. Шу жиҳатдан қараганда, шу нарса жуда диққатга сазовордирки, АҚШ президенти Совет ҳукуматининг жавобини кутмасдан туриб Қўшма Штатларнинг ядро қуроли синовларини ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилди.

АҚШ ва Англия таклифларининг бутун маъноси шундан иборатки, улар Совет Иттифоқига нисбатан фақат ўзларини ҳарбий жиҳатдан устун қилиб олмоқчилар. Улар синовларни фақат атмосферада ўтказишни тақиқлаш тўғрисида битимга келишни таклиф қилдилар, аммо синовларни ер остида ўтказа беришни мумкин қилиб қўймоқдалар. Яна бунинг устига бутун НАТО блокининг манфаатларини кўзлаб ядро қуроли синовларини ўтказаётган Франциянинг зиммасига бу синовларни чеклайдиган ҳеч қандай мажбурият юклатмоқчи эмаслар, чунки синовларни тақиқлаш Францияга нисбатан умуман жорий қилинмасдан қолур эди.

АҚШ ва Англиянинг раҳбарлари Ғарб дипломатиясининг найрангларидан бехабар бўлган одамларни чалгитмоқчилар. Улар инсонпарварлик тўғрисидаги одамларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги қуруқ гаплар билан ниқобланишга урунмоқдалар. Шу билан бир вақтда улар одамларни қириш воситаларини ниҳоятда тез суръатлар билан кўпайтирмоқдалар.

Бошини олганингдан кейин, кесилган бошдаги сочга йиғлаб нима қиласан, деган ҳикматли мақол бор. Жаноб империалистлар одамларни уруш оловида қириб ташлашга тайёргарлик кўрмоқдалар-у, аммо ўзлари одамларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида гап сотаётирлар.

Уларнинг ўзлари бизга таҳдидлар қилиб, вазиятни ниҳоят даражада кескинлаштириб турганлари ҳолда, биздан ўз хавфсизлигимизни ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш чораларини кўрмасликни талаб қилмоқдалар! Мана шуларнинг ҳаммасини гирромлик деб айтмаслик қийин.

Биз ер юзида тинчликни сақлаш, бутун-бутун мамлакатлар ва халқларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ғамини еяётганимиз учунгина зарур чоралар кўришга мажбур бўлдик. Бу чоралар агрессив кучларни хушга келтирмоқ учун кўрилди, токи улар ўз мақсадларига уруш қилиш йўли билан эриша олмасликларини тушуниб олсинлар. Одамларни фақат сиҳат-саломатлигидан маҳрум қилибгина қолмасдан, шу билан бирга уларни ҳаётидан ҳам маҳрум қилмоқчи бўлган, бизнинг халқимиз, социалистик мамлакатларнинг ва бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг халқлари ўз меҳнати билан яратган нарсаларнинг ҳаммасини тортиб олмоқчи бўлаётган кучларни тўхтатиб қолмоқ учун зарур бўлган қуролярогни такомиллаштиришдан воз кечишимиз мумкин эмас. Агрессорлар шуни билиб қўйишлари керакки, агар улар уруш ошлаб чиқаришига ва куч тўплашига йўл қўймайдиган қилиб ҳамма бурчакларга ва ҳамма тешикларга бемалол кириш имкониятини берадиган қилиб, вето ҳуқуқидан воз кечган ҳолда кенг ҳажмдаги халқаро контроль системаси тўғрисидаги бизнинг таклифимизни Совет Иттифоқи қабул қилса, биз унинг ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги таклифини қабул қиламиз, деб Ғарб давлатлари айтиб кўрсинлар-чи. Улар шундай таклиф билан чиқсалар, биз бу таклифни қабул қиламиз. Шунда ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемаси ҳамма халқларнинг манфаатларини кўзлаб ҳал қилинади. Агар Ғарб давлатлари шундай таклиф киритсалар-у, аммо биз бу таклифни қабул қилмасак, у вақтда қуролсизланиш барбод қилинганлиги учун бутун айб бизнинг устимизга тушган бўлур эди.

Лекин Ғарб давлатлари ёппасига ва батамом қуролсизланиш контроль ўрнатиш тўғрисидаги ўз системасини таклиф қилмаётир. Сабаб? Бунинг сабаби шуки, улар қуролсизланишни истамаётирлар ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланиш устидан контроль ўрнатиш тўғрисидаги ўз системаларини таклиф қилсалар, биз бу системани қабул қилишимизни биладилар, ана ўшанда уларнинг чекинадиган жойлари қолмайди.

Қуролсизланиш проблемаси ҳал қилиниши лозим, ёппасига ва батамом қуролсизланиш факт бўлиб қолиши керак. Лекин бу нарса ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди—бунинг учун курашмоқ керак. Тинчликни истаган халқлар буни тушунишлари лозим ва қуролсизланишга қаршилик кўрсатаётган, зўр бериб қуролланишни кенгайтираётган, учинчи жаҳон урушини бошлашга тайёрланаётган кучларга қарши курашда жипслашишлари лозим. Ҳар бир мамлакатда халқлар бутун кучни қуролсизланиш учун курашга сафарбар қилишлари, ўзларининг қатъий продаларини билдириш усулларини топишлари ва қуролсизланишга қарши бўлганларни чекинишга мажбур этишлари лозим.

Кўп мамлакатларда халқлар қуролсизланишни қатъий талаб қилмоқдалар. Бу масалада Ҳиндистон халқи катта активлик кўрсатмоқда. Ҳиндистон Республикасининг ҳукумати ҳам ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида тезроқ шартнома тузишни жаҳон миқёсида талаб қилмоқда. Ҳиндистон ёппасига ва батамом қуролсизланишнинг амалга оширилишига эришмоқ учун бундан буён ҳам бошқа тинчликсевар мамлакатлар билан биргаликда ҳаракат қила беришига аминмиз. **(Давомли қарсаклар).**

Айни вақтда шуни айтмоқ керакки, агрессив ҳарбий блокларга аъзо бўлган кўп мамлакатлардаги кишиларнинг ҳаммаси ҳам Ғарб давлатларининг сиёсати, зўр бериб қуролланиш ва кескинликни кучайтириш сиёсати қандай чуқур хавф туғдираётганлигини ҳали англаб олганлари йўқ. Албатта, ўша мамлакатларда ҳам айрим группалар норозилик билдирмоқдалар, қуролсизланиш фойдасига иш олиб бормоқдалар, лекин шу мамлакатлардаги одамларнинг асосий қисми пассивлик ҳолатида турибди. Ўша мамлакатлардаги одамлар ҳам тинчлик бўлишини истайдилар, лекин тинчлик учун матонат билан курашмаётирлар. Хаттоки, Ғарб мамлакатларидаги урушқоқ доиралар парламент сайловларида юз минглаб ва миллионлаб сайловчиларнинг овозларидан аввалгидек фойдаланмоқдалар, шу сайловчиларнинг ёрдами билан улар тузаётган парламентлар ва ҳукуматлар агрессив сиёсатни, уруш тайёрлаш сиёсатини ўтказишни давом эттирмоқда.

Уруш бўлсини, ёки бўлмасини, деган масала ҳал қилинаётган ҳозирги вақтда жаҳонда томошабин бўлиб турувчи кишилар бўлмаслиги керак. Жаноб Неру ҳамда Осиё ва Африка мамлакатларининг бошқа атоқли арбоблари шундай ҳаққоний гапни айтдиларки, уруш ва тинчлик масаларида бетарафлар бўлиши мумкин эмас, чунки ё ҳаётни, ёки ўлимни танлаб олиш пайти келганида бу масалада бепарво бўлиб туриш ярамайди. Ҳурматли меҳмонимиз «уруш ва тинчлик иши катта ва кичик ҳар бир мамлакатга тааллуқлидир, шу сабабли ҳар бир мамлакат масъулиятнинг бир қисмини ўз зиммасига олиши ва шу йўлда ишлаши лозим» ва «бизнинг вазифамиз урушнинг олдини олмоқ учун тинчлик йўлида курашишдир» деган сўзларни айтдики, тинчликнинг қадрига етган ҳар бир киши бу сўзларни батамом қувватлайди. **(Давомли қарсаклар).**

Қўшилмаган давлатлар бошлиқларининг бундан бир неча кун муқаддам ўз ишини тамомлаган Белград конференциясининг якунлари тинчлик фойдасини кўзлаб актив ҳаракатлар қилиш зарурлигини тушуниш тобора кенг ёйилаётганлигини кўрсатди. Инсониятнинг тақдири учун олиҳиммат-лик билан ташвишланиш, тинчликни сақлаб қолишга интилиш, мустамлакачиликка абадий хотима бериш шу конференция атмосферасида сезилиб турди.

Шу конференцияда давлатлар ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилаш ва Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида яхши муносабатларни йўлга қўйиш зарурлиги ҳақида гапирилди.

Биз шу нарсани яхши тушуниб турибмизки, агар СССР билан АҚШ ўртасидаги келишмовчиликлар бартараф қилинганида эди, бизларнинг ўртамизда тинч ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилганида эди, бу нарса бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга жуда кўп даражада ёрдам берган бўлур эди. Умуман халқаро вазият Америка Қўшма Штатлари билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг қандай ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқ-ку.

Агар икки буюк давлат — Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи — бир-бирлари билан ҳамжиҳат бўлишга эришсалар, тинчликда ва фақат тинчликдагина эмас, дўст бўлиб ҳам яшасалар, бу нарса тинч-тотув яшаш позициясида турган барча тинчликсевар мамлакатларнинг, ҳеч шубҳасиз, катта муваффақияти, катта ғалабаси бўлур эди.

Агар АҚШ билан СССР ўртасида тинч дўстона муносабатлар йўлга қўйилганида эди, ҳеч ким халқаро вазиятни чатоқлаштиришга асло муваффак бўлолмас эди, чунки шундай қилмоқчи бўлганлар ҳар иккала мамлакатимизнинг позицияси билан ҳисоблашишга ва ўзларининг агрессив планларидан воз кечишга мажбур бўлиб қолур эдилар. Совет-Америка ўртасида мана шундай дўстона муносабатларга йўл очиш зарур, бунинг учун эса, иккинчи жаҳон урушидан кейин СССР билан АҚШнинг ўзаро муносабатларида вужудга келган тўсиқларни, ғовларни олиб ташлаш, чинакам тинч-тотув яшашга эришиш, савдо-сотиқни, маданий ва бошқа алоқаларни ривожлантирмоқ учун шарт-шароит вужудга келтириш керак. Биз мана шундай қилишга интилмоқдамиз, бунинг учун Совет ҳукумати катта куч ва ғайрат сарфламоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Совет-Ҳиндистон дўстлиги бутун дунёда тинчликни таъминлашда катта роль ўйнайди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида бир-бирини ҳурматлашга, бир-бирига ишонишга ва бир-бирини қувватлашга асосланган дўстлик ва ҳамжиҳатлик бизларнинг умумий бойлигимиздир. Совет ҳукумати ҳалқларимизнинг бахт-саодатини кўзлаб, бутун дунёда тинчлик манфаатларини кўзлаб бу дўстликни мустаҳкамламоқ учун ҳамма чораларни кўради. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳиндистон миллий экономикасини ривожлантириш ишида СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ва техника ҳамкорлиги яхши самаралар бераётганлигини кўриб, совет кишилари қувонмоқдалар. Бхилан металлургия заводини қуришда бизнинг Ҳиндистонга кўрсатган ёрдамимизга Ҳиндистоннинг давлат ва жамоат арбоблари ҳам, шунингдек Ҳиндистоннинг оддий кишилари ҳам юксак баҳо бердилар. **(Давомли қарсаклар).** Жаноб Неру «Совет ҳукумати билан ҳамкорликда қурилган завод Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги мустаҳкам алоқаларнинг, дўстликнинг символидир» деб таъкидлади. **(Давомли қарсаклар).** Биз бу фикрга тўла равишда қўшиламиз, сизларнинг қарсакларингиз эса, ўртоқлар, ҳукумат тадбирлари, халқимизнинг фикри ва куч-ғайрати бир мақсадга қаратилганини яна бир марта тасдиқлаб турибди. **(Кучли, давомли қарсаклар).**

Мамлакатларимиз экономика ва маданиятнинг турли соҳаларида самарали ҳамкорлик қилаётганликларини кўрсатувчи кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Совет ҳукумати, совет халқи СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий, илмий, техникавий, маданий ва бошқа тинч алоқаларнинг ҳаммаси тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланиш ва ривожланиши учун ҳамма чораларни кўрадилар. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Бизнинг мамлакатимизда ижодий меҳнат кўтаринкилиги ғоят юксалиб бормоқда. Совет халқи улуғ Ленин партиясининг янги Программаси проектини муҳокама қилмоқда. КПСС XXII съездини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда. **(Давомли қарсаклар).** Партиянинг Программаси — бизнинг мамлакатимизда коммунизм қуриш программаси—фақат коммунистларнинг иши бўлиб қолмай, балки барча совет кишиларининг ишидир, миллионларнинг жонажон ишидир. **(Давомли қарсаклар).** Совет кишиларига урушнинг кераги йўқ. Бизнинг халқимиз қураётган жамият ўзининг мақсади Тинчлик, Меҳнат, Эркинлик, Тенглик, ҳамма халқлар учун Бахт-саодат яратиб беришдан иборат эканлигини баралла айтмоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Яшасин Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги, совет ва ҳинд халклари ўртасидаги бузилмас дўстлик! **(Кучли қарсаклар).**

Яшасин ҳамма мамлакатлар ва китъалардаги тинчлик кучларининг бирлиги! **(Кучли қарсаклар).**

Яшасин бутун дунёда тинчлик! **(Кучли, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради. «Яшасин Ҳиндистон Республикаси ва Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик!», «Жаҳонга тинчлик!» деган хитоблар янграйди).**

* * *

Митинг СССР ва Ҳиндистон халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг, бутун дунёда тинчликни қаттиқ туриб химоя қилишга улар мажкам бел боғлаганликларининг ажойиб намойишига айланиб кетди. (ТАСС).

Ж. Неру Москва телевидениеси орқали нутқ сўзлади

МОСКВА, 8 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Жавоҳарлал Неру бугун Москва телевидениеси орқали нутқ сўзлади.

Ж. Неру Москвада уни самимий ва дўстона кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдириб, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан баъзи муҳим халқаро проблемаларни муҳокама қилганлигини айтди ва бу суҳбатлар муҳокама қилинган проблемаларни ҳал этиш учун фойдали бўлади, деб ишонч билдирди.

Совет партия делегацияси Пхеньянга келди

ПХЕНЬЯН, 9 сентябрь. (ТАСС). Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, Корея Меҳнат партиясининг IV съездида қатнашиш учун КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Р. Козлов бошчилигидаги КПСС делегацияси бугун Пхеньянга келди.

Корея Меҳнат партиясининг съездида қатнашиш учун Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Дэн Сяо-пин бошчилигидаги Хитой Коммунистик партиясининг делегацияси ҳам бугун Пхеньянга келди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА КОМИТЕТИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат илмий-техника комитети тугатилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1961 йил 9 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ғ. СУЛТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ КООРДИНАЦИЯЛАШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Ғани Султонов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитетининг Раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1961 йил 9 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ КООРДИНАЦИЯЛАШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитети тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1961 йил 9 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. К. ДАНИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жиноятларга қарши курашда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун марҳум Анатолий Кондратьевич **Данилов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1961 йил 9 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ БАЁНОТИ

Совет ҳукумати АҚШ президенти ва Буюк Британия бош министрининг ядро қуроли синовлари масаласи юзасидан шу йил 3 сентябрдаги қўшма баёноти билан танишиб чиқди. Бу баёнотга қандай баҳо бериш мумкин?

Аввало, АҚШ ва Англия раҳбарлари бошдан кечирилаётган пайтнинг ўткирлиги тўғрисида, халқаро вазиятнинг кескин тус олганлиги тўғрисида лом-мим демаганликлари эътиборни жалб этади. Қолбуки ядро синовлари борасидаги ҳолатни ана шу вазиятдан ажратиб олиб қараш мумкин эмаслиги уларга равшан бўлиши керак эди. Халқлар Ғарбнинг ҳарбий блоклари ишларини ҳал этадиган АҚШ ва Англия ҳукуматларидан қилич ялангочлашга қачон ҳотима берасиз ва, нихоят, жаҳонни халокатли ядро уруши гирдобига олиб келишга қачон барҳам берасиз, деган саволга равшан ва очиқ жавоб беришларини кутишга ҳақлидирлар.

Кеннеди жаноблари ва Макмиллан жаноблари буларнинг ҳаммасини бир четга қолдириб, ядро қуроли синовлари тўғрисидаги масалани қуролсизланиш проблемасидан (ана шу масала қуролсизланиш проблемасининг бир қисмидир) ажратиб қўйибгина қолмай, балки бу масалани халқаро ҳаётнинг муҳим воқеалари билан боғламаган ҳолда алоҳида қараб чиқишга ҳам уринмоқдалар. АҚШ президенти ва Буюк Британия бош министри баёнотининг ҳар бир сатрида Ғарб давлатлари ва уларнинг агрессив ҳарбий блокларидаги иттифоқчиларининг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар ҳавфсизлиги манфаатлари ҳисобига ҳарбий жиҳатдан устун бўлишларини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам таъминлашга интилиш намоён бўлиб турибди. Шу билан бирга АҚШ ва Англия раҳбарлари ўзларининг қўшма баёнот билан чиқишларини халқаро кескинликни юмшатиш тўғрисидаги, бутун инсониятнинг манфаатлари тўғрисидаги ғамхўрлик тақозо этади, деб кўрсатишга ҳам уринадилар. Аммо, АҚШ ва Англия ҳукуматларининг раҳбарлари ядро қуроли масаласида тутган йўлларини оқлашга уриниш учун ҳар қандай дабдабали сўзларни танлаб олсалар ҳам, бу сўзлар ёрдами билан агрессив сиёсатни тинчликсевар сиёсати деб, ваҳшийликни инсонпарварлик деб кўрсатиш мумкин эмас.

Бу баёнот қандай мақсадларга хизмат қилишини равшан билиб олмоқ учун мазкур баёнотнинг конкрет мазмунини қараб чиқайлик.

Баёнотда Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Англия атмосферада ядро қуроли синовларини ўтказмаслик тўғрисида дарҳол бамаслаҳат бир фикрга келганлар, деган таклиф илгари сурилади. Аммо, ана шу қуроли ер остида ва космосда синаб кўриш учун портлатиш тўғрисидаги масала ана шу ўзаро келишувда кўзда тутилмаслиги шарт қилиб қўйилади.

Бу таклифнинг маъносини пайқаб олиш қийин эмас. АҚШ ва Англия ўзларида (Франция ҳақида гапириб ҳам турмайлик, бу таклифда Франция умуман тилга олинмайди) ядро қуролини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш имконияти сақлаб қолинсин деб бизга таклиф этмоқдалар. Лекин бу ҳам кифоя эмас экан. Совет Иттифоқининг ўз мудофаа қобилиятини оширишга янада қаттиқроқ йўл қўймасликка эришиш иложи борлиги ҳақиқатини синаб кўриш керак экан. Бошқача қилиб айтганда, пропаганда мақсадида узилган бир ўқ билан икки қуённи ўлдирмоқчи бўладилар: ядро қуроли билан қуролланиш соҳасидаги ўз ҳарбий тайёргарликларини Совет Иттифоқининг розилиги билан авж олдирмоқчи бўладилар ва айни вақтда музокаларда қатнашувчи ўз партнери — Совет Иттифоқининг оёғини чалмоқчи бўладилар.

Дарҳақиқат шу нарса маълумки, ядро қуролининг янги турларини вужудга келтириш юзасидан АҚШда ишлаб чиқилган программа ҳозирги вақтда ер ости синовларини ўтказишни талаб қилади, яъни ядро қуролини синаб кўришнинг юқорида кўрсатиб ўтилган турига Америка-Англия таклифида кенг йўл очиб берилиши керак. АҚШ ядро қуролига эга бўлган уч давлатнинг Женевадаги музокараларида бир канча йиллардан буён ядро қуролининг ер остида синовларига рухсат берилиши учун ҳаракат қилиб келди. Бу эса ядро синовларини батамом тўхтатиш тўғрисида шартнома тузишга халакит берган асосий ғовларнинг бири эди. АКШ ер остида ядро синовлари ўтказишни кўпланок мўлжаллаганлиги ва бунинг учун Невада штатида шахталарни ва жуда катта ер ости галереяларини тайёрлаб қўйганлиги сир эмас-ку, ахир.

Агар АКШ президенти ва Буюк Британия бош министрининг қўшма баёнотида кўзда тутилаётган мақсадларнинг ёмон никобланганлигини исботлаш учун далил талаб этилар экан, Кеннеди жаноблари ўзи ҳудди шундай далилни ўртага қўйди. Кеннеди жаноблари 5 сентябрда, яъни Совет Иттифоқига мурожаат қилганидан бир кун кейин ер остида ядро қуроли синовларини ва бошлаб юбориш тўғрисида фармойиш берди. АҚШ ҳукумати шу қадар бетоқат бўлиб қолдики, Америка-Англия баёнотига Совет ҳукуматининг берадиган жавобини, лозкал одоб юзасидан кутиб туриш унинг ҳаёлига ҳам келмаган бўлса керак. АҚШ ҳукумати ўз ҳаракатларини Совет ҳукумати берадиган жавоб билан мувофиқлаштириш ниятида бўлмаганлиги шу нарсадан аён бўлиб қолмайдими, ахир.

АҚШ ва Англия ҳукуматлари ядро қуроли синовларини тақиқлашни фақат атмосферадагина бундай синовлар ўтказмасликдан иборат қилиб қўйишга биринчи марта уринаётганликлари йўқ. Улар ҳозирги таклифга ўхшаган таклифни, масалан, 1959 йилда илгари сурган эдилар. Совет ҳукуматининг ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалага шу хилда ёндошишга қарши бўлиб келганлиги ва қарши бўлишига сабаб нима? Бунга сабаб шуки, синовларнинг бир турини — атмосферада ўтказиладиган синовнигина тўхтатиш тўғрисида бир битимга келиш тинчлик ишига ёмон хизмат кўрсатган бўлур эди. Бу — халқларни алдаш бўлур эди. Бундай битим зўр бериб қуролланишни тўхтатиш йўлида амалда ҳеч қандай иш қилинмагани ҳолда, халқларда зўр бериб қуролланишни тўхтатиш учун чора кўрилмоқда, деган зararли ва хатарли ҳаёлларни вужудга келтириши мумкин эди, давлатлар атом ва водород қуролининг мавжуд турларини қонуний тартибда мукаммаллаштиришни амалда давом эттира берар эдилар ва бунинг учун ер остида синаб кўришдан, шу жумладан гўё тинчлик мақсадларида космик фазода ҳам синаб кўришдан фойдалана берар эдилар. Бундан ташқари, ана шу эксперименталар натижасида ҳосил қилинган маълумотларга асосланиб ядро қуролининг янги, янада кўпроқ вайронгарчилик келтирувчи турларини вужудга келтириш имконияти ҳам сақланиб қолган бўлур эди. НАТОда қатнашувчи давлатларнинг ҳарбий доиралари бундан албатта, мамнун бўлур эдилар, чунки улар ана шундай планнинг амалга оширилиши потенциал агрессор бўлмиш НАТО блокининг тегирмонига сув қуйишини яхши биладилар.

Шундай қилиб, ядро қуроли билан зўр бериб қуролланиш давом эта берар эди ва бундай қуролланишнинг ҳавфли оқибатлари ҳозиргидан сира ҳам кам бўлмас эди. Ер остида, агар иложи бўлса, космосда ёки сув остида ҳам ядро синовларини кенг миқёсда ўтказишга йўл очиб берадиган битимни халклар тўла асос билан виждонсизларча тузилган битим деб ҳисоблаган бўлур эдилар. Ўзидан маълумки, Совет ҳукумати бундай битим тузилишига рози бўлиши мумкин эмас ва рози бўлмайди. Ўз сиёсатини халқларни алдашга, музокаралар олиб бориш найрангини ишлатишга асослаб қураётганлар шундай битимни хоҳлайдилар.

Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларининг ҳеч мустаҳкамланмаган ҳамма турларини ҳамма жойда ва абадий тўхтатиш тарафдоридир. Совет Иттифоқининг зўр бериб ҳаракат қилганлиги натижасида бундан уч йил мўқаддам ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида СССР, АҚШ ва Англия вакиллари ўртасида музокаралар олиб борди ва бу билан совет ядро қуролининг такомиллаштирилишига халақит берди. Франция эса бундан фойдаланиб ядро қуролларини кетма-кет портлата берди. Франция ўз ихтиёри билан ядро синовларини ўтказмоқда, бу ишда АҚШ билан келишиб, бутун НАТО ҳарбий блокининг манфаатларини қўлдаб ҳаракат қилмаётир, деган гапларга ишониш мумкин бўлган енгилтак кишилар ҳали ҳам топилиб қолаётган экан, атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида АҚШ билан Франция ўртасида тузилган ва ҳали яқиндагина АҚШ президенти томонидан маъқулланган битим бу тўғридаги ҳар қандай ҳомҳаёлларни чиппакка чиқариб қўйди. Шу нарса равшанки, НАТОга аъзо бўлган ҳар бир давлат томонидан ўтказиладиган ядро синовларининг натижалари НАТОнинг умумий империалистик қозонига келиб тушади.

Ж. Кеннеди ва Г. Макмиллан-нинг ҳозирги баёнотида ҳам гап ядро қуролига эга бўлган уч давлат тўғрисида — СССР, АҚШ ва Англия тўғрисида боради. Хўш, Франция-чи? Баёнотнинг авторлари Франциянинг ядро синовларини аввалдагидек бундан буён ҳам давом эттиришига асосланадилар. Совет Иттифоқи йўл қўйиб бўлмайдиган бундай ахволга тоқат қила беради, деб ўйлар эканлар. Совет Иттифоқидан ҳаддан ташқари кўп нарсани истаётганликлари аён эмасми?

Аҳвол шу билан мушкуллашадики, НАТО давлатлари кейинги ойларда ўз сиёсатининг рулини ҳарбий тўқнашишга тайёрланиш сари кескин суратда буриб юборди-лар.

Гапни лоғқал, АҚШ ҳукуматининг шу йил кўклам фаслида ҳарбий ишларга ажратиладиган маблағларни кескин суратда кўпайтиришни талаб қилганлигидан бошлаш мумкин бўлур эди. Ҳозирги вақтда АҚШнинг ҳарбий бюджети 50 миллиард доллардан кўпроқ маблағни ташкил этади. Давлатларнинг бирортаси ҳам тинч вақтда ҳарбий мақсадлар учун ҳеч качон бунчалик кўп маблағларни сарф қилмаган эди. Шундан кейин АҚШнинг қуролли кучлари кўпайтирилди, резервдагилардан 250 минг киши ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилди. Американинг Ғарбий Берлиндаги гарнизони кўпайтирилди. АҚШ ҳукумати сув ости кемалари ва ракеталарнинг янги турларини ишлаб чиқариш мулдатларини кискартириш тўғрисида ва Американинг ҳатто эскириб қолган кораблларга ва самолётларидан яна фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундай фактлар кўп, уларнинг ҳаммасини санаб битириш иложи йўқ.

АҚШгина эмас, балки унинг ҳарбий блокларидаги иттифоқчилари ва, аввало, Ғарбий Германия ҳам ҳарбий тайёргарлик кўрмоқда. Ғарбий Германиянинг милитаризм ва реваншчилик идеяларига берилиб кетган раҳбарлари Германия билан сулх шартномаси тузилиши муносабати билан буюк давлатлар ўзаро тўқнашувини, учинчи жаҳон уруши алангасига айланиб кетиши мумкин бўлган уқувни ёқишни ҳаммадан кўра кўпроқ истаётган бўлсалар керак.

Аммо АҚШ, Англия, Франция ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматларининг нияти, Германия билан сулх шартномаси тузиш тўғрисидаги таклифга муносабати кўпроқ эҳтиёт бўлишни талаб этади. Бир жойга тўпланиб, осойишта вазиятда Германия билан сулх шартномаси тузиш тўғрисидаги қарорни амалий суратда қабул қилиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш тўғрисидаги таклифга жавобан Ғарб давлатларининг ҳукуматлари ҳарбий тайёргарликни ғоят кучайтириб юбордилар. Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар шаънига ошкора суратда таҳдид қилишлар тобора намоён бўлмоқда.

Буларнинг ҳаммаси, СССР ҳукумати бундан олдин айтиб ўтганидек, Совет Иттифоқини ўз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш тўғрисида қайғириб қўйишга мажбур этди. НАТОдаги давлатлар Совет Иттифоқига ва социалистик мамлакатларга қарши ҳарбий тайёргарликни авж олдириб юборган бир пайтда, бизнинг таҳдидларга қаршилик кўрсатиш зарурати агрессиянга шай бўлиб кутиб олишга тайёр туриш зарурати ҳақозо этган тадбирларни кўришдан бошқа чорамиз қолмади. Бундай зарурат бизнинг хоҳишимиз билан пайдо бўлмади, бундай зарурати биз эмас, балки НАТОдаги асосий давлатлар, хусусан, Германия билан сулх шартномаси тузиш тўғрисидаги масала қўйилиши муносабати билан ўтказиб келаётган қилич ялангочлатиш ва уруш гирдобига ташлаш сиёсати вужудга келтирди. Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини яна бошлаб юборадиган бўлди, чунки ҳозирги шароитда Совет Иттифоқига қарши агрессиянинг бошланиш эҳтимоли борлиги билан ҳисоблашмаслик енгилтаклик бўлур эди.

Совет ҳукумати синовларни бошлаб юбориш тўғрисида қарор қабул қилганда, дастлабки пайтларда халқаро вазиятнинг ғоят мураккаблигига баҳо бера олмайдиган ва Совет Иттифоқининг ана шу тадбирини маълум даражада тушуниб олмайдиган кишилар топилиб қолиши мумкин эканлигини яхши билар эди, албатта. Ғарбда баъзи бировлар пропаганда мақсадларида бундан фойдаланишга уриниб қўражаклари энг бошланғич бизга аён эди. Шундай бўлса ҳам Совет Иттифоқи бошқача йўл тутолмас эди Совет ҳукумати яқобий ва салбий томонларини ҳисобга олиб, дилдан қайғириб бўлса ҳам эксперименталь портлатишларни яна бошлаб юборишга мажбур бўлди.

Биз инсониятнинг ғоят кўпчилиги Совет ҳукуматининг тадбирларини тўғри тушуниб олишига шубҳа қилмаймиз. Совет Иттифоқининг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш айни вақтда бутун дунёда тинчлик кучларини мустаҳкамлашдир. Халқларнинг тинч меҳнатини, эркинлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлган мустаҳкам куч борлигини агрессор бўлиб қўйсин.

Америка-Англия қўшма баёнотида радиоактив жисмлар билан атмосферанинг заҳарланиш ҳавфи кучайиб бораётганлиги тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтилади. Бу мақбул бўлмаган бир ҳол эканлигига шак-шубҳа йўқ. Совет Иттифоқи синовларнинг жонли организмлар учун зарарли оқибатларини минимум даражага келтириш йўлида ҳамма чораларни кўради.

Аммо, АҚШ ва Англия давлатларининг ҳаётий марказларидан узоқ жойларда — Бикини, Эниветок, Рождество оролларида бир неча йиллар мобайнида атом ва водород бомбалари портлата берилган ва радиоактив жуда кўп миқдордаги заррачалари ер атмосферасинигина эмас, балки Тинч океан сувларини ҳам заҳарлаган денгиз маҳсулотлари орқали эса бегуноҳ кишиларнинг суяги ва қонига ўтган чоқда. АҚШ ҳукумати ҳам, Англия ҳукумати ҳам атмосферанинг заҳарланиши тўғрисида нолимаганликларига сабаб нима, деган саволни бериш ўринлидир.

Франция ҳукумати қариб икки йил мобайнида Сахройи Кабирда ядро бомбаларини портлатиб, ер атмосферасини заҳарлаб келганида, АҚШ ва Англия ҳукуматлари Франция ҳукуматининг бу ҳаракатларини коралаш учун сўз тополмаганликларига сабаб нима?

Америка-Англия баёнотида ер атмосферасининг заҳарланганлиги тўғрисида баён қилинган ташвиш, сохталик қалбакичиликдан бошқа бир нарса эмас. Воқеалар НАТО давлатлари сиёсатининг кучайиб бораётган агрессивлиги натижасида кейинги ойлардагидек ривожланиб бора берадиган бўлса, халқларнинг ҳақиқатан ҳам нималарга қучоқ бўлишини уларга ҳалоллик билан айтиб бериш яхшироқ бўлмасмиди. Аҳвол шундай тус олмоқдаки. Ғарб давлатларининг сиёсати ўз вақтида ўзгартирилмаса, инсоният ракета-ядро уруши гирдобига ташланиши мумкин ҳамда ўн ва юз миллионларча кишилар бу уруш ўти ичида қуйиб кетган бўлур эди.

НАТО давлатларининг ҳозирги сиёсати шунга олиб бормоқдаки, энтиликда радиоактив заррачалар эмас, балки ядро қуролининг ўзи, унинг бутун ажал ва вайронгарчилик келтирувчи кучи одамлар бошига ёғилиш мумкинлигидан ҳавфсирашга тўғри келади. Агарда ядро қуроли синовларининг кишилар саломатлигига етказадиган зарари билан ядро қуролини жангда қўлланишнинг оқибатларини тарозиннг палласига қўйсак, инсоният бугунги кунда кандай муаммо олдида турганлиги ҳамда Ғарб давлатлари ҳукуматларининг ядро қуроли эксперименталь портлатишлари ҳусусидаги баёнотлари нечоғли сурбетликдан иборат эканлиги ҳар бир кишига равшан бўлиб қолади.

Йўқ. Совет Иттифоқи миллионмиллион кишиларнинг ҳаёти таҳлика остида қолишишига йўл қўя олмайди. СССР ҳукумати совет халкининг ҳавфсизлиги ҳақида тегишли тарзда ғамхўрлик кўрсатмайдиган бўлса, ўз қурчини бажармаган бўлур эди. Модомики, Совет ҳукумати ядро қуролининг синаш мақсадларидаги портлатишларини қайталаш бошлашдан иборат каттик заруратга дуч келиб қолган экан, бу иш ана шу қуролнинг жангда портлатилиши натижасида Япониядаги Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари бошига тушган кулфатни бизнинг халқимиз, шу билан бирга бутун инсоният кўрмасин деган максад билангина қилинмоқда. Совет Иттифоқи кишилари атом, водород ёки нейтрон бомбаларининг қурбони бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқда. Социалистик жамиятнинг ва бутун ташқи сиёсатимизнинг чинакам инсонпарварлигига ўзининг инсониятга қарши сиёсатини қарамақарши қўяётган, одамларни ядро уруши ўчоғида ёндириш материали, халклар вужудга келтирган моддий ва маданий бойликларни эса империалистик агрессорларнинг потенциал топилдиги, ҳарбий ғлжаси деб билаётган ғарбдаги кишилар нейтрон бомбаси ҳақида тобора кўпроқ гапирмоқдалар.

Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини АҚШ, Англия ва Франсияга нисбатан бир неча баравар кам ўтказганлигини ким билмайди. Вахоланки, Ғарб давлатлари билан баравар миқдорда синов портлатишларини ўтказиш даъвосини қилиш учун биз ахлоқ нуктаи назаридан ҳам, шунингдек ўз давлатимиз манфаатларини таъминлаш нуктаи назаридан ҳам барча асосларга эгамиз. Давлатларнинг аслаҳаҳоналари жамғарилаётган қурол-яроғларга тўлиб-тошиб турар экан, ҳар бир давлатнинг ҳавфсизлиги кўп жиҳатдан кучлар нисбатига боғлиқ бўлишини Ғарб давлатлари раҳбарларининг ўзлари тез-тез гапириб турибдилар-ку, ахир. Бу гапларга анча-мунча ҳақиқат бор. Ғарб давлатларининг раҳбарлари ўзларига ҳеч ким таҳдид солмаётган ҳолда, амалга ошираётган ишларини ўз давлатларининг ҳавфсизлиги манфаатлари йўлидаги адолатли ишлар деб ҳисоблаётган бўлсалар, империалистлар томонидан даққа солинаётган ва қурол пеш қилинаётган бир вазиятда яшашга мажбур бўлган Совет Иттифоқи ва бутун социалистик ҳамкорлик мамлакатларининг амалга ошираётган ишлари бунга қараганда анча адолатлироқ ишлардир.

Урушинг дахшатли булутларини тарқатиб юбормоқ ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштирмоқ учун ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаси бўлган ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш керак. Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатларгина эмас, балки шу билан бирга Осиё, Африка, Латин Америкасидаги кўпгина мустақил давлатлар ҳам тинчлик ишини қадрловчи барча кишиларнинг эътиборини ўзига мажбурлаган ана шу идеяни қувватлаб, энтиликда мардона гапирмоқдалар. Ҳарбий блокларга қўшилмаган йигирма бешта давлатнинг якиндагина Белградда тамом бўлган конференцияси якунлари ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу конференция уруш кучларини бўғиб қўйиш ва тинчлик кучларини мустаҳкамлаш ишига яхши ҳисса қўшди. Ҳақиқатдан кўрқмайдиган кишилар энтиликда батамом ва ялпи қуролсизланиш асосидагина ядро қуроли синовларига абадий ва ҳамма жойда барҳам бериш мумкин эканлигини эътироф этмоқдалар. Ана шу проблема ҳал қилингач, ҳеч кимда ядро қуролини ерда, ер остида, атмосферада, космик фазода синаш иштиёқи қолмаган бўлур эди, дарвоқе аслини олганда, синайдиган қуролнинг ўзи қолмаган бўлур эди, чунки барча қуроллар ва аввало ракета-ядро қуроллари яксон қилиб ташланган бўлур эди. Мана шу икки масалани ҳаётнинг ўзи яхлит бир масала қилиб қўйди.

Афсуски, икки томонлама олиб борилаётган Совет-Америка музокараларидан кўринишича, АҚШ ҳукумати давлатларнинг шу сохадаги ҳаракатлари устидан жуда каттик халқаро контроль ўрнатган ҳолда, ёппасига ва батамом қуролсизланишнинг ён-верига яқинлашишни ҳам истамаётир. Лекин у ҳолда АҚШ ҳукумати, бу билан бирга эса, бутун ҳатти-ҳаракатига қараб ҳукм қилганда, шундай позицияга амал қилаётган Англия ҳукумати ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши очиқ қолдирилиши учун масъулиятни ўз зиммаларига олмоқлари керак.

Ядро қуролининг атмосферада синаб кўрилишини ўтказишдан воз кечиш билан чекланиш тўғрисидаги таклифга жавобан биз АҚШ президентига ва Буюк Британия бош министрига шуларни айта оламиз: Қани, мамлакатимиз халқларининг ақл-фаросатини ва ғайратини ҳарбий тайёргарликларни амалга оширишга эмас, «совуқ уруш»ни авж олдиришга эмас, сохта пропагандистик ҳийла-найрангларни қилишишга эмас, балки ҳозирги замоннинг энг асосий проблемаси бўлган ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини енг шимариб, бирталикда ҳал этиш учун киришишга йўллайлик. Қани, давлатларнинг ракета-ядро уруши жарлигига қараб тойилиб кетаётганини ўз вақтида тўхтатиб қолиш учун Германия билан сулх шартномаси тузиш масаласини ҳал этиш йўлларини жиддийлик билан виждонан қидирайлик. Ўшанда олам гулистон бўлади: ядро қуроли синовлари учунгина эмас, ҳатто ядро уруши ҳатарининг ўзи учун ҳам ўрин қолмайди.

Ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш ҳамда инсониятни урушлардан умрбод ҳалос қилиш йўлида куч-ғайратни аямай сарфлаган давлат арбоблари, ҳукуматлари руслар ва американликлар, чехлар ва инглизлар, араблар ва ҳиндилар, жаҳоннинг барча халклари ҳайрли сўз билан абадий эслаб юрадилар, деб башорат қилиш учун пайғамбар бўлишнинг кераги йўқ. Бунинг аксича, башарти ана шу проблема ҳал қилинмай қолгудек бўлса, ўз мавқеи ва ўз ҳокимиятидан фойдаланиб, ҳарбий тайёргарликлар суръатини ҳамда ракета-ядро урушининг доимий хатарини сақлаб колган арбобларни халклар лаънатлаб тилга оладилар. Башарти, иккинчи жаҳон уруши қолдиқларини узил-кесил тугатиш, Германия билан сулх шартномаси тузиш, яъни Европа халқларини, Европа халкларингинагина эмас, бошқа халкларни ҳам ўзининг эртанги куни учун кўркиш ва ҳадиксирашдан кутқариш, ҳамда уларга осойишталик ва тинч ҳаёт келтиришга мумкин бўлган ишни амалга ошириш учун барча зарур чоралар кўрилмайдиган бўлса, халклар бунга ҳам ҳеч качон кечирмайдилар.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш, айни вақтда давлатларнинг барча ҳарбий машиналарини йўқ килиб ташлаш. Германия билан сулх шартномасини кечиктирмай тузиш ва иккинчи жаҳон уруши колдикларига хотима бериш — ҳозирги шароитда халкларни урушлардан ва урушлар натижасида уларнинг бошига тушадиган фалокатлар ва кулфатлардан халос этишга олиб борадиган тўғри йўл ана шудир. Биз АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматларини шу йўлга киришга даъват этамиз.

1961 йил 9 сентябрь.
Москва шаҳри.

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Баёнотининг ушбу тексти СССР Ташқи ишлар министрлиги томонидан шу йил 9 сентябрда АҚШ ва Англиянинг Москвадаги элчиларига топширилди.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ КЕННЕДИ БИЛАН БУЮК БРИТАНИЯ БОШ МИНИСТРИ МАКМИЛЛАННИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ ТЎҒРИСИДА

АҚШ президенти Кеннеди ва Англия бош министри Макмиллан шу йил 3 сентябрда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга қўшма баёнот билан мурожаат қилиб, атмосферадаги ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида АҚШ, Англия ва СССР ўртасида битим тузишни бу баёнотда таклиф этдилар. Шу билан бир вақтда АҚШ ядро қуроли синовларининг бошқа барча турларини ўтказиш ниятида экани баёнотдан кўриниб турар эди (президент Кеннеди АҚШда ер остидаги синовларни қайтадан бошлаш ҳақида 5 сентябрда буйрук берди). АҚШ ва Англиянинг НАТОдаги иттифоқчиси Франция томонидан узоқ вақт мобайнида ядро қуроли синовлари ўтказилиб келинаётгани ҳақидаги масала баёнот да мутлақо тилга олинмади.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрларининг кенгаши тўғрисида

АХБОРОТ

1961 йил 8—9 сентябрда Варшавада Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда шу давлатлар қуролли кучлари бош штабларининг бошлиқлари ҳам иштирок этди. Кенгаш Варшава шартномаси мамлакатларининг бирлашган қуролли кучлари бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко раислигида ўтди.

Кенгаш шуни таъкидладики, агрессив Шимолий Атлантик ҳарбий блок (НАТО) мамлакатлари кейинги вақтда ўз ҳарбий тайёргарликларини кескин суратда кучайтириб юбордилар, эўр бериб қуролланишни авж олдирмоқдалар, армиялар сонини кўпайтирмоқдалар ва социалистик мамлакатларнинг Германия сулҳ шартномасини тузиш ҳақидаги таклифларига жавобан, ҳатто, янги уруш бошлаш билан таҳдид қилмоқдалар.

Вужудга келаётган вазиятни назарга олиб ва ўз ҳукуматларининг директиваларига амал қилиб, мудофаа министрлари ва бош штабларнинг бошлиқлари Варшава шартномаси мамлакатларининг бирлашган қуролли кучларига кирган қўшиқларнинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш юзасидан конкрет масалаларни қараб чиқдилар.

Кенгаш Варшава шартномаси мамлакатларининг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш юзасидан кенгашда эришилган битимдан келиб чиқадиган амалий тадбирларни ишлаб чиқишни бош штабларнинг бошлиқларига топширди.

Совет-Ҳиндистон дўстлиги мустаҳкам ва бузилмасдир

(Боши биринчи бетда)

Шу куни Тошкент аэродроми айниқса байрам тусини олган эди. Дўст мамлакатнинг вакили келишидан анча илгариёқ бу ерга шаҳар меҳнаткашларининг юзлаб вакиллари тўплана бошладилар. Кўп кишиларнинг қўлида Ҳиндистон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон байроқчалари, гулдасталар бор. Азиз меҳмонга қарата: «Хуш келибсиз!» сўзлари ёзилган қизил алвон аэропорт биноси пештоқини бошдан-охиригача эгаллаган. Флагштокларда Ҳиндистон, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари ҳилпирайди. Учиш майдонига Тошкент гарнизони қўшинларининг фахрий қоровули сафга тизилган.

Г. Ф. Наймушин, Ш. Р. Рашидов, А. Н. Рудин, Ф. Е. Титов, И. И. Федюнинский, Қ. М. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. М. Матчонов, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР министрлари, республика Олий Советининг депутатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари Бош Министр Ж. Неруни кутиб олмоқ учун аэродромга келдилар.

Ҳурматли меҳмонни Москвадан олиб келган хаво кемаси маҳаллий вакт билан соат 18 дан 10 минут ўтганда ерга қўнади ва аэровокзал перрони якинида тўхтайди. Жавоҳарлал Неру самолётдан чиқиб келади. Трапдан тушар экан, у самимий қўл силкиб кутиб олувчиларни табриклайди. Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Р. К. Неру, Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги элчиси Субимал Датт, Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири вакил В. Х. Коэльхо ва Бош Министрнинг бошқа ҳамроҳлари у билан бирга Тошкентга келдилар. Шунингдек бир группа ҳинд журналистлари ҳам келди.

Ж. Нерунинг Совет Иттифоқи бўйлаб сафарида унга ҳамроҳлик килаётган СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, Совет Иттифоқининг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов ва бошқа совет расмий кишилари ҳам шу самолётда келдилар.

Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбарлари Ж. Неру билан саломлашадилар, унинг ҳамроҳлари билан қўл кисишиб кўришадилар. Мактаб ўқувчилари ҳурматли меҳмон ёнига чопиб келиб, унга ва унинг ҳамроҳларига гулдасталар тутадилар. 24-мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Нафиса Фахриддинова ҳурматли меҳмонга ҳинди тилида мурожаат қилади. Ҳиндистон Республикасининг муҳтарам Бош Министри Жавоҳарлал Неру жаноблари, дейди у тўлқинланиб, Тошкент пионерлари Сизнинг бизга меҳмон бўлиб келишингиз билан табриклайдилар. Хўш келибсиз! Ж. Неру ўқувчи қизни оталарча кучоқлайди.

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру фахрий коровул бошлиғининг рапортини қабул қилади. Ҳиндистон, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садоси аэродром узра янграйди. Ж. Неру Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимовнинг ҳамроҳлигида совет аскарлари сафини айланиб, улар билан сўрашиб чиқади.

О. А. Алимов микрофон ёнига келиб, Жавоҳарлал Неру жаноблари ва унинг йўлдошларини ўзбек халқи, Ўзбекистон ССР ҳукумати номидан самимий табриклайди.

Республикамизга қилган унутилмас визитингиздан сўнг, — дейди у, — Сизни яна кутиб олишдан биз жуда хурсандмиз. Ўшанда СССРда бўлган вақтингизда Сизни ва Сизнинг делегациянгизни қабул қилишга мушаррафбўлган эдик. Ўзбек халки Сизнинг визитингиз ҳақидаги шодиёна хотирани ёдда саклайди ҳамда таркиб топган Совет-Ҳиндистон дўстлик муносабатларини юксак қадрлайди.

Ҳиндистон Республикасининг умумий тинчлиги сақлаб қолиш йўлидаги актив курашини, шунингдек давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни тинч-тотув яшаш принциплари асосида мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишга кўшган ҳиссасини бутун совет халқи каби Ўзбекистон халқи ҳам ғоят қадрлайди.

Мамлакатимизга қилган ушбу визитингиз. Бош Министр жаноблари, халкаро кескинликни юмшатиш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида сўзсиз ижобий, фойдали роль ўйнайди. Ўзбекистонда сафарингизни хушвақтлик билан ўтказмоғингизни тилаймиз. Юртимизга хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру жавоб нутқи сўзлайди. У бундай дейди:

Ўзбекистон ҳукуматининг муҳтарам аъзолари, дўстлар!

Бундан олти йил муқаддам Совет Иттифоқига қилган сафаримни ёдимга солдингиз. Ўша визитим вақтида мен Сизнинг республикангизда ҳам бўлган эдим. Сизнинг гўзал шаҳрингизни кўрган эдим ва халқингизнинг кўп намояндалари билан учрашган эдим. Ўша вақтда бу ерда кўп дўстларим бор эди, ҳамма ерда мен ҳинд халқига нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳурмат изҳор қилинганлигини кўрдим. Мана. Сизнинг юртингизга яна келдим. Бу имкониятга эга бўлганлигимдан хурсандман ва бу ерда янги учрашувлар бўлишига, янги дўстлар орттиришимга аминман.

Сиз ўз нутқингизда тинчлик ҳақида гапирдингиз. Ҳозирги вақтда тинчлик — асосий масаладир. Агар тинчлик бўлмаса, агар уруш бошланиб қолса, у ҳолда бизнинг ҳамма интилишларимиз, бизнинг сарф қилаётган ҳамма куч-ғайратимиз беҳуда бўлиб қолади. Келинг, тинчлик учун бирталикда кураш олиб борайлик. Жаҳондаги вазиятни яхшилаш учун ҳаракат қилайлик. Раҳмат Сизга!.

Ҳурматли меҳмон нутқини тамомлагач, ўзини кутиб олаётган Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари ёнига келиб, уларни самимий табриклайди. Бунга жавобан «Яшасин мустаҳк

КИШИЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ НАВ ПАХТА

ЖАРҚУРҒОН («Қизил Ўзбекистон» мухбири).-«Сурхон» совхозидаги уруғчилик-элит хўжалиги селекция ва уруғчилик институти етиштирган янги навли ингичка толали пахтанинг чигитларини кўпайтириш ва яхшилаш устида ишламоқда.

Маълумки, пахтанинг ингичка толали навлари халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга. Кейинги 3-4 йил давомида «Сурхон» элит хўжалиги Ю. Хуторной яратган «С-6022» навни кўпайтириш устида иш олиб бормоқда.

Совхознинг тажриба хўжалигида яна бир қанча бошқа сортлар ҳам синаб кўрилмоқда. Булардан — «С-6015» ва «С-6017» сортлари айниқса диққатга сазовордир. Бу сортларни Ю. Хуторной ва А. Дадабоев ўртоқлар етиштирганлар. Бу сорт ғўза тупларида ён шохлар ўсмайди. «С-6015» сортининг ҳар чаноғидан олинадиган пахта бошқа сортларга қараганда 1,5 баравар кўп. Бу хил ғўзаларда ён шохлар жуда кам ривожланганлиги туфайли ҳар гектар ерда кўчат қалинлигини 140-150 мингтагача етказиш, бинобарин мўл ҳосил олиш мумкин.

Термиздаги зонал-тажриба станциясининг ходимлари 1962 йилдан бошлаб «Сурхон» совхозида етиштирилган янги пахта сортларини Термиз, Ангор, Шеробод ва Қарши районларининг колхоз ва совхозларида кенг ёйиш тадбирларини кўрмоқдалар.

СТАЛИНГРАД ГЭСИ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Сталинград ГЭСининг қурувчилари бутун совет халқи жонажон Коммунистик партиясининг XXII съездига завқ-шавқ билан ҳозирлик кўраётган кунларда афсонавий шаҳар бўсағасида жаҳонда энг йирик гидростанция — Сталинград ГЭСини қуриш соҳасидаги ишларни тугаллаганликларини КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга маълум қилдилар.

2,5 миллион киловатт қувватга эга бўлган гидростанция, сув қуядиган бетон тўғон, тупроқ тўғон, иккита параллель икки поғонали шлюз ва унинг қуйи ёндош канали билан аванпорти, Волга-Ахтуба канали, Волга устига кўприк симон доимий темир йўл ва тош йўл, балиқ кўтаргич иншоотлар, 500 ва 220 киловатт кучланишга эга бўлган тақсимлагич мосламалар ҳамда бошқа иншоотлар қуриб битказилди. Сталинград гидроузелининг тўғони 33,5 миллиард кубометр ҳажмга, 600 километр узунликка эга бўлган сув омборини вужудга келтирди.

Узелнинг қурилган барча гидроиншоотлари проектда кўрсатилган босим остида ўтказилган синовларга жуда яхши чидаш бергандигини ва гоят нормал ишлаётганлигини қурувчилар партия ва ҳукуматга юборган рапортларида маълум қиладилар. Сталинград ГЭСи вақтинча фойдаланишга топширилганидан буён ҳозирдаёқ халқ хўжалигига 12,5 миллиард киловатт-соат арзон электр энергияси берди.

Тинч яратувчилик меҳнати билан машғул бўлган гидростанция қурувчиларининг коллективлари КПСС нинг Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиб, ана шу тарихий ҳужжатларни чин юракдан астойдил маъқуллайдилар ҳамда партия ва ҳукуматнинг мамлакатимизни электрлаштириш соҳасидаги ҳар қандай янги топшириғини адо этишга тайёрдирлар. (ТАСС).

ҚОРАҚАЛПОҚ ЭЛИНИНГ КЎРКИ



ТАХИАТОШ, 9 сентябрь. («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбиридан телефон орқали) Кейинги кунларда бу ер улуғ зиёратгоҳга айланиб кетди. Фақат Тахиатош аҳолисигина эмас, Хўжайли, Нукус шаҳарларининг меҳнаткашлари ва теварак атрофдаги совхоз ва колхозлардан келган пахтакорлар улкан нурхона биносига қувонч ва завқ билан тикилмоқдалар. Бино ичига кириб, қудратли машина ва механизмларнинг муруватини бураётган, мойини артаётган кишиларни саволга тутаётирлар. Қўнғиротлик чўпоннинг ўғли А. Қўшқоров, хўжайлилик пахтакорининг фарзандлари Таниниберган Сеидмуродов, ва Марат Юсуповлар (ҳозир улар инженер-энергетик — ишлаб чиқариш командирлари) келган-кетганларга ГРЭСнинг қуввати ва ишлаши, машина ҳамда механизмларнинг қаердан келтирилганлигини тушунтириб туришибди...

Ҳа, ГРЭСнинг хосияти катта. У автоном республика саноати, қурилиши, транспорти, қишлоқ хўжалиги, маданияти ва маишатини кескин ижсалтиришнинг манбаи, негизи бўлади. Бугина эмас, Хоразм области ва қардош Туркманистоннинг Тошовуз области меҳнаткашлари ҳам ГРЭСдан бахраманд бўлишади.

Тахиатош — Хўжайли, Тахиатош — Нукус — Чимбой электр линиялари нур олишга шайланиб турибди. Тахиатош — Тошовуз, Тахиатош — Калинин — Мангит линиялари жадал қурилмоқда. Унинг кетидан Қўнғирот, Урганч, Хева, Тўрткўл, Чоржўй шаҳарларига ҳам юқори вольтли симлар тортилиб, Ўрта Осиёнинг ягона энергетика системасига уланади.

Газетхонларимизга Тахиатош ГРЭСи қуриб битказилганини бундан аввал хабар килган эдик. Лекин бу улкан станциянинг машина ва ускуналари шунчалик мураккабки, уларнинг ҳаммасини созлаб ва синаб кўриш учун бирмунча вақт керак. Кеча ҳамма синов ишлари тугади. Бугун Қорақалпоғистон нурхонаси тантанали суратда ишга туширилади.

Тахиатош ГРЭСи Қорақалпоғистон автоном республикасининг қудратига қудрат, шаванатига шавкат, ҳуснига ҳусн қўшади.

С. ТОИРОВ.

Суратларда: Тахиатош ГРЭСи қурилиши темир-бетон буюмлари цехида ишлаётган илғор бригада бошлиғи Сактош ҚАНОТБОЕВ ва матористка Любовь ЧААДАЕВА ва Тахиатош ГРЭСининг умумий кўриниши.

И. Глауберзон фотолари.

ФАЗИЛАТ

Сайфи кино кўрар, китоб ўқир, кишилар билан суҳбатлашар экан, бир фикр доим кўнглида турар, шу гапга оид воқеа-ҳодиса ҳикоя қилингудек бўлса жону дили билан тинглар, чуқур ўйга чўмиб қолар эди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Колхоз қизил чойхонасида тинчлик ҳақида суҳбат ўтказган агитатор Улуғ Ватан уруши йилларида юз берган бир воқеани сўзлади:

— Қаттиқ жанглардан кейин ҳарбий касалхонага ҳушидан кетган оғир яралори олиб келишди. Унга қон қуйиш керак эди. Касалхонада қон тугаган. врачлар ўз қонларидан бир сидра ишлатишган. Нима қилиш керак? Қандай бўлмасин жангчи ҳаётини сақлаб қолиш керак! Ҳамширалардан бири иккинчи марта қон беришини айтди. Унга ёш — саломатлиги, ҳаёти учун хавфли эканлигини тушунтиришди. Ҳамшира сўзида қатъий эди. Жангчи ҳаётга қайтарилди...

«Қойил! — деди енгил нафас олиб Сайфи. — Одамгарчилик бундай бўпти». Уйга қайтган Сайфи ҳамон ўйчан. Ҳар замон, ҳар замонда «Қойил!» деб қўяди. «Мана, йигирма саккизга кирдим, — ўйлайди у, — кишиларнинг эсида қоладиган нима иш қилдим». У, 1945 йилда тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлагач, механизаторлар мактабида ўқиганини, 1950 йилгача «универсал» ҳайдаганини эслади. «Ҳамма қиладиган ишда — бу», — уқтирди ўзига-ўзи у. Беш йил ер ҳайдаб, ғўза ораларини сифатли ишлаб, қўл меҳнатини енгиллаштириб, жонажон колхози — Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозини бойитишга, даромадни оширишга қўшган ҳиссасини оддий бурчи деб билган Сайфи, элига кўпроқ фойдали бўлишни, кўпроқ яхшилик қилишни ўйларди. Унинг коммунизм кишисига хос бу фазилати бошқаларга ўрнак эди.

«1950 йилда бўлса колхоз йириклашиб, заруратдан юк машинасини миндим, — ҳамон ўйларди Сайфи. — Бу ҳам ҳамма қиладиган иш». У уч йил давомида капитал ремонтсиз 150 минг километрдан ортиқ йўл юриб ҳамкасбларига ўрнак кўрсатган, қанчадан-қанча енилгини тежаган, тонна-тонна юкни вақтида ташиб келиб, кишиларни мамнун этган, правлениедан мукофотлар олган эди. «Мана. 1954 йилдан буён колхознинг «Тез ёрдам» машинасидаман. Яна топширилган вазифани адо этяпман. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда ҳам шундай қиларди-да» ўйида давом этарди Сайфи.

Колхозчилар саломатлиги учун ҳеч нарсани аямайдиган колхоз правлениесига, эл хизматига ажратган «Тез ёрдам»ни миниш учун тадбирли, эҳтиёткор Сайфи жуда қўл келди.

— Сира эсимдан чиқмайди, — деб ҳикоя қилади колхоз аъзоси Саъди Нурматов. — Ярим кеча эди. Кеннайингизнинг кўзи ёрийдиган бўлиб қолди. Сайфиникига югурдим. Қаранг, эшиги тагига келганимда, чақиришга мулоҳаза қилиб, туриб қолдим. Шу топ кимдир ичкарида эшик илгагини солаётганини сездим. Сайфи, дедим. У колхозчиларимиздан Ҳури Ҳусанова билан Ўктам Эргашеваларни ҳозиргина тўғруқхонага жойлаштириб, «Победа»ни гаражга қантариб, энди келиб турган экан. Азамат, уйга кирмаёқ мен билан югуриб кетди. Безовта қилдим, десам анча ранжиди. Нима деди, денг, «Инсонга фойдам тегар экан-ку, мен безовта бўлишдан хафа бўламанми, одамлар бир-биридан қонини-жонини аямаганда, мен уйқудан кечсам нима бўпти». Отасига миг рахмат, Сайфининг.

— Раҳматни менга эмас, колхозимизнинг ишбилармон раҳбарларига, правлениега, партия ташкилотига айтинг, — дейди Сайфи Муҳиддинов. — Бу озод, фидокорона меҳнатларингизнинг роҳати.

Узининг ҳалол меҳнати билан колхоз территориясида яшаётган тўрт мингдан ортиқ аҳолининг ҳурматига сазовор бўлаётган Сайфи касалхонага тез-тез бориб, ҳамқишлоқлари саломатлигидан ҳам хабар олиб туради. Сайфининг бу инсоний фазилатларидан ҳамма мамнун.

Расул РАҲМОНОВ.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

□ □

ЮРИЙ ВА ГЕРМАН

Ҳўжаобод районидаги Карл Маркс номли колхозда истиқомат қилувчи кўп болали она Хосиятхон Қодирова яқинда эгизак ўғил туғди. Оила аъзолари янги меҳмонларнинг биринчи совет космонавтлари Ю. Гагарин ва Г. Титовлардек қўрқмас, жасур бўлишларини орзу қилиб, уларга Юрий ва Герман деган исмларни қўйишди. Жажжи «космонавт»лар тетик ва бардам ўсишяпти.

М. ИСАЕВ.

БУГУН — ТАНКЧИЛАР КУНИ

ТИНЧЛИК ПОСБОНЛАРИ

Бугун танкчилар куни. Бу куни совет танкчилари билан биргаликда бутун совет халқи кенг нишонламоқда.

Мамлакатимизда биринчи ватан танкининг яратилиши доҳиймз В. И. Ленин номи билан боғлиқдир. Ёш совет республикасини тиштирноғигача қуролланган интервентлар ўраб олган 1919 йили В. И. Ленин Сормова ишчиларига Ватан мудофааси учун танк ишлаб чиқариш зарурлигини айтади. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаларини сақлаш йўлида жонларини ҳам аямайдиган сормовачилар Петроград, Москва ишчилари билан ҳамкорликда биринчи совет танкларини ишлаб чиқарадилар. Бу танклар ёш совет республикасини интервентлар ҳужумидан мудофаа қилишда катта роль ўйнайди.

Совет танкчилари Улуғ Ватан уруши йилларида ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Улар совет танки қудратини бутун оламга намойиш қилдилар. Ҳар жиҳатдан қулай, мустаҳкам танклар ишлаб чиқаришда совет ишчилари, инженер-техник ходимлари фидокорона ишладилар.

Тинчлик ва осойишталик йилларида совет танкчилари ўзларининг сиёсий ва жанговар тайёргарликларини ошириш билан Совет ҳукуматининг улуғвор зафарларини сергак туриб қўриқламоқдалар. Танкчилар Совет Армиясининг барча жангчилари ва бутун совет халқи қатори КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳақиқий ҳарбий ҳизмат муддатларини ўтаган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналари запасга бўшатишни вақтича кечиктириш тўғрисидаги қарорини зўр қониқиш билан маъқулламоқдалар. Улар тинчлик ва бахт учун, социализм ғалабаларини урушқоқ жанобларнинг ҳар қандай хуружларидан сақлашга доим тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Совет халқи қудратли, тинчлик посбонлари — танкчилар билан фахрланади.

Суратда: Тошкентдаги танкчилар билим юрти аъзолари.

А. Асанов фотоси.

Нашитар

НОМ ЧИҚАРГА...

Тадбир-режаларни ёзиб қоғозларни тўлдирилаверса-ю, бу қоғозлар галлаларда қоғозлигича қоларса, бундан нима фойда!?

Денов районида раҳбарлари ўтган йилнинг худди шу сентябрь ойида ўтиришиб узоқ кенгашишди. «Ном чиқарга бир иш қилайлик» деди раислик қилувчи. Шундан сўнг у районнинг қатталиги, маданий-оқартув муассасалари ва болалар боғча-яслиларини аста-секин кўпайтириш ва бу қурилишларнинг уч йиллик планини тузиш ҳақида гапирди. Қарор қилинди. Қарорда бундай ёзилган: «Биз Денов район меҳнаткашлари уч йиллик план асосида районимизда маданий-оқартув ва болалар муассасалари қуриш топшириқларини бекамчи кўст ва сўзсиз бажарамиз...».

Сухбатдошлар мамнун бўлишди, мажбурият-қарор бир неча нусха қилиб оққа кўчирилди, конвертларга солинди юқори ташкилотларга жўнатилди.

Ойлар-ойларни қувиб, йил келди. «Эски тос, эски ҳаммом» деганларидай Деновда маданий-оқартув муассасалари ва болалар боғча-яслилари қуриш ҳақида ҳеч қандай иш бўлмади. Белгиланган планлар планлигича, мажбуриятлар мажбуриятлигича қолиб кетаверди.

Кимдир районнинг икки раҳбарига шундай савол берди:

— Ўтган йили маданий-оқартув ва болалар муассасалари қуриш уч йиллик планини тузиб, эл олдида мажбурият қабул қилган эдингиз. Иш қандай боряпти?

Мажбуриятимизми, — деб салмоқлаб сўз бошлади ижроком раиси Т. Эшниёзов,—уни бажаряпмиз. Мана, ҳозиргача ҳаммаэ колхозларда доимий боғча ва яслилар қуришимиз керак эди. «Ленинизм» Генерал Раҳимов номли, Жданов номли колхозларда болалар боғчалари қуряпмиз...

Йўқ! Ҳақиқий аҳвол бундай эмас! Ҳозирча фақат биргина Ждданов номли колхозда боғча қурилаётгани рост. Қолган икки колхозда қачонлардир боғча қурсакмикин деган бир гап бўлган. Аммо буни суриштирадиган киши бўлмаганидан кейин ким ҳафсала қилибди дейсиз. Қарангки, бундай хўжасизликни кўрган Хрушчев номли колхоз правлениеси тайёр боғча биносини ҳам колхозлараро қурилиш ташкилотига сотиб юборди.

Бу гапларни эшитган райком секретари ҳам, ижроком раиси ҳам ўйлаб қолишди. Лекин Эшниёзов бўш келмай сўзида давом этди:

— Биродарларим, бизга ҳам қурамиз деб сводка беришган. Бўлмаса биз бу гапларни осмондан олармидик? Гапнинг пўст калласи шу-ку, ҳар ишнинг ўзига хос масъул ходими бор. Маданий-оқартув муассасалари қурилишини район маданият бўлимидан, боғча-ясли қурилишини эса район соғлиқни сақлаш бўлимидан сўраяпсиз, бизларни қийнаб нима қиласиз!

Айтганингиз бўлсин мана улар: район маданият бўлимининг мудири Темиров, соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Йўлдошевалар елка кисиб ўтиришибди... Улар лоақал район марказидаги ҳақиқий аҳволдан хабардормикан? Гумон. Райондаги бундан 20 йил муқаддам қурилган яккаю-ягона яслида 60 бола ўрнига 120 бола жойлаштирилган.

— Бундан ташқари яна иккита боғчамиз ҳам бор, — дейди керилиб райком секретари П. Фролов.

Лекин у айтган боғчаларнинг аҳволи гоят ночор; поли цемент, хоналарига қуёш нури тушмагандан зах ҳиди думоққа уради. Ўйинчоқлар юмшоқ ва қаттиқ мебеллар етишмайди. Пахта тозалаш заводига қарашли боғчада 60 бола ўрнига 100 бола жойлаштирилган. Боғча атрофи эфлослигидан ва дов-дарахт йўқлигидан болалар куй бўйи димиққан хоналарда ўтиришади. Бу ҳолдан шаҳар ижроия комитетининг ходимлари хабарсиз деб ўйларсиз? Бе, хабари бўлганда ҳам парвоси палак.

Шаҳар ижроия комитетининг раиси Латофат Аҳмедова бамайли хотиб шундай дейди:

— Боғча-ясли дейсизми? Пул материал беринг, боғча-ясли қуриш қочиб қутулмайди...

Мана. Деновда кўрган ҳангоматаримизу катта бир район раҳбарларининг бу муҳим ишга муносабати!

— Ахир мажбурият олишда ўзларингиз ташаббус кўрсатган эдингизлар-ку, десангиз, улар, ҳа, энди бир бўлган қўйганда деб лоқайдлик билан жавоб берадилар.

Йўқ, эндиликда жамоатчилик бунга йўл қўймайди! Мажбурият олдингми, унинг уҳдасини ҳам ўйла! Сафсата сотиб, эл кўзини бўяб, давлатни алдама! Бугунги талаб шу! Унутилган, галлаларда ётган, темир сандиқларда ётган режаларни қидириб топ, унда айтилган вазифаларни тезроқ амалга ошир! Ном чиқарга режалар тузилмайди, биродарлар!

С. КАРОМАТОВ,
А. ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбирлари.

ҲАЖВИЙ ТЕРМАЛАР

ЭКИШНИЯМ БИЛСАЙДИНГ МУНДОҚ...

Бир кун йўлдан ўтиб бораркан Эшмат
Кўриб қолди, эски ўртоғи Тошмат
Ҳадеб болта урар азим теракка.
Қора терга тушиб, ишларди якка.
Кўзи тушиб унинг Эшматга шу чоқ
Мағрур мақтанди у: — Қани, ўзинг боқ,
Қалай, устаманми дарахт кесишга!
— Ҳа, хўп келишаркан қўлинг бу ишга!
Кесишга-ку уста экансан, ўртоқ,
Аммо экишниям билсайдинг мундоқ!

ХАЙРЛАШУВ

Мўминжон ҳар куни ичиб келарди,
Цех бошлиғи бўлса, қоврилардию
Кўнгилчанлик қилиб, кечиб келарди...
Директор бир куни кескин гапирди:
— Сиз билан тўғри келди хайрлашмоққа!
— Хўш, ўртоқ директор, қаёққа?
Ҳайрон бўлиб кўзи сузилди шу чоқ:
— Наҳот-ки сиз... — деди ғулдираб, —
Биздан кетяпсиз, э-э аттанг-аттанг
(Ичида ўйлади: «Қопман қутулиб!»).

Сами АБДУҚАҲҲОР.

СУД ЗАЛИДАН

ҚОТИЛЛАР ОТИЛДИ

Эскилик сарқитлари суяк-суягига сингиб кетган Умар Тиловов Пастдаргом районидаги «Москва» колхози территориясида яшагани ҳолда бирон фойдали иш билан шуғулланмайди. 1959 йилда у кичик ўғли Нишон Умаровни шу қишлоқлик Раҳима Ашуровага уйлантиради. Ўрта мактабни битирган комсомол қиз Раҳима «Москва» колхозида ясли мудираси бўлиб ишлаб юради.

Нишон Тошкентга кетгандан кейин қайнота катта ўғли Толип Умаров билан биргалашиб, келини Раҳимани хўрлайди, унинг эрига каршилик кўрсатади. Раҳимани колхознинг жамоат ишларида катнашишига тиш-тирноғи билан карши туради.

Раҳима қайнотаси Тиловов ва қайнотаси Толипларнинг қаршилигига қарамай жамоат ишларида актив катнашаверади. Раҳиманинг бу ҳаракатини кўра олмаган Тиловов уни обрўсизлантиради ва ўлдириш пайига тушади.

Ниҳоят колхоз шофери комсомол аъзоси Абдурасул Иброҳимовнинг Раҳима турган уйга иш билан келганида пойлаб, ҳеч бўҳтон уюштиради. Эшикларни маҳкамлаб олиб, Раҳиманинг отаси Бойқобил Ашуров ва акаси Акмал Ашуровларни уйидан чақиртириб келади, уларни Раҳимани ҳиёнат устида ушладик деб ишонтиради. Улар иштирокида Раҳима билан Абдурасулни пичоқ ва ўроқлар билан ваҳшийларча азоблаб ўлдирадилар.

Самарқанд область суди инсоний қиёфасини йўқотган бу қотилларнинг ишини кўриб, Умар Тиловов, Толип Умаров ва Бойқобил Ашуровларни ўлим жазосига ҳукм қилди.

Ҳукм ижро этилди.

М. САИДХОНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясининг секретари.

«КОММУНИЗМДА ЧЎЛЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ!»

Румин-Совет дўстлиги жамиятининг «Вяк ноу» («Янги аср») ҳафталик журнали М. Михаилнинг «Чўл табиий бойликларини иқтисодий ўзлаштириш» сарлавҳали мақоласини босиб чиқарди. Мақола автори румин журналхонларини совет тузуми йилларида Мирзачўлда амалга оширилган буюк ўзгаришлар билан батафсил таништирган.

«1920 йилнинг ёзида, — деб ёзади М. Михаил, — Сирдарё станциясига Ленин йўллаймаси билан вакиллар келди. Булар қақраб ётган чўлни бўстонга айлантириш учун отланган ишчи, инженер ва агрономларнинг биринчи отряди эди. Эндилик да бу ерларда машҳур «Малик» совхози жойлашган».

Иллар ўтиши билан Мирзачўл ҳар йили 250 минг тонна пахта етиштириб берадиган «оқ олтин» конига айланди. Ялонғоч чўл қўйнида кўркам йигирма шаҳри бунёдга келди.

«Шуни ҳам қайд қилиш керакки, — дея давом этиб ёзади автор, — кейинги тўрт йил ичидагина Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаларидаги бу чўлда 180 километрли темир йўл излари ётқизилди, 690 километрли асфальт йўл очилди, 200 километрдан ортиқ узунликда канал қазилди ва 415 километрга чўзилган кучли вольтли электр линияси қурилди. Лекин, чўлни ўзлаштирувчилар қилиниган бу ишлар билан қаноатланиб қолмаётирлар».

Мирзачўл совет кишиси эркига батамом бўйин суниши керак. Бу ерда сугориладиган 200 минг гектарлик майдон бир миллион гектарга етиши керак. Яқин вақт ичида Марказий Фарғона чўллари ҳам тўла ўзлаштирилади. Мақола автори совет тузуми даврида чўл ва даштларни ўзлаштириш йўлида қилинаётган ишларни ўз юрти журналхонларига намуна қилиб кўрсатиш учун Мирзачўлни мисолга олганини қайд қилиб ўтиб, ёзади:

«Совет ҳукумати мамлакатнинг жанубини эгаллаб ётган 220 миллион гектарли тақир чўлни ўзлаштиришга алоҳида эътибор бераётир».

«Шуни унутмаслик керакки, — деб давом этади М. Михаил, — Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистон чўлларида ўзлаштирилган яшил воҳалар дунёда етиштирилаётган пахта ҳосилининг 50 процентини бер ди».

Мақолада айтиладики, бу чўллар айни пайтда ўз қўйнида нефть, табиий газ, туз, кўмир, нод ва бром сингари кўпгина бойликларни ҳам сақлаб ётибди.

Янги текшириш ва қидириш ишлари ўз ҳом ашё базасига эга бўлган бу ўлкаларда саноатни ривожлантиришнинг ғоят имкониятларини очиб беради. Чўлларга ҳужум бошлаш совет олимлари учун барча хўжалик тармоқларини ривожлантиришнинг ҳам кўпгина перспективаларини очиб беради.

Бу ўринда автор Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президенти Ҳ. Абдуллаевнинг қуёш энергияси, шунингдек, инсон меҳнати ва ҳаётини яхшилашга ўллариии таъминлайдиган бошқа қатор проблемалардан фойдаланишнинг жуда катта имкониятлари ҳақидаги фикрларини мисол қилиб келтиради.

Автор хулоса қилиб ёзади:

«Совет олимлари ирригация системалари қуриш билан бирга фойдаланилмай ётган чўлларга ҳам ҳужум қилмоқдалар.

Коммунизм даврида чўлларга ўрин йўқ. Чўллар ўрнида боғ-роғларгина яшнаб туриши керак!»

Ҳ. АЛЬТМАН.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 СЕНТЯБРДА

12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг,** 12.20 — **Инглиз тили дарси** (ўзбек тилида), 13.00 — **Типратикан** (болалар учун фильм), 18.30 — **Китоб ташувчи мушук** (мультипликацион фильм), 19.00 — **Чет эл хроникаси** (киножурнал), 19.10 — **Танкчилар куни,** 19.50 — **Менинг оқ шаҳрим** — (фильм-спектакль), 21.20 — **Телевизион янгиликлар,** 21.40 — **Концерт** (ўзбек куйларидан).

11 СЕНТЯБРДА

19.00 — **Чемпионнинг сири** (киноочерк), 19.25 — **Здоровье** телевизион журнали, 20.05— **Юлдузлар сари биринчи сафар** (ҳужжатли фильм), 21.05 — **Телевизион янгиликлар,** 21.45 — **Меҳрибон** (Саид Аҳмаднинг шу номдаги ҳикояси асосида телеинсценировка).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/IX да кундуз **Доктор Айболит,** кечқурун **Аида,** 12/IX да **Чио-Чио Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 10/IX да **Улуғбек,** 12/IX да **Ганг дарёсининг қизи.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Украин рапсодияси — «ВАТАН» (кеч соат 8 гача), «МИР» (кундуз 2, 4 ва кеч 6 да), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Уч қават бахт — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Яширин жаннат — «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 9.45 минутда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Номаълум айёл (кундуз соат 3.20 минут ва кеч 7 да), **Номсиз орол** (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Жондан тўйган шоферлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 6 да).

Арафада — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 4 да).

Айна — «ДРУЖБА» (2-зала), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қизил елканлар — «ДРУЖБА» (1-зала кундуз ва кечқурун).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз ва кечқурун), **Инсон тақдири** (кеч соат 9.20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01076.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкент шаҳри Нашр Б. 213.